

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 42

Икрамова Шахноза Аллаяровна

**ПОЗИТИВИЗМ ФАЛСАФАСИДА ТИЛШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ**

Мутахассислик: 5A120102 – лингвистика (инглиз тили)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
ф.ф.д. проф. Шодиев Р.Т.**

Самарқанд 2013

ПОЗИТИВИЗМ ФАЛСАФАСИДА ТИЛШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Кириш.....3

I БОБ. Фалсафий тафаккур тарихида позитивизм

фалсафасининг ўрни.....8

1. Позитивизм фалсафасининг вужудга келиши.....8

2. Позитивизм фалсафасининг оқимлари.....20

II БОБ. Мантиқий позитивизмда тилшунослик

масалалари.....31

1. Вена тўғараги ва тил муаммолари.....31

2. Позитивизм ва аналитик фалсафа.....40

III БОБ. Постпозитивизмда тил ва фалсафа масалалари

1. Постпозитивистик дунёқараш ва илмий ғоялар..... 50

2. Илмий билиш ва тил тараққиёти 70

Хулоса 82

Адабиётлар руйхати.....84

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Позитивизм фалсафаси замонавий фалсафий йўналишлардан бири бўлиб, Ғарб фалсафий тафаккурининг асоси ҳисобланади.

XIX-XX асрда Ғарбда бир қанча оқимлар пайдо бўлди. Бу вақтда юзага келган позитивизм, неопозитивизм, постпозитивизм, прагматизм, структурализм, экзистенциализм, эволюцион эпистемология каби йўналишлар илмий билишни янгича ғоялар ва назариялар билан тўлдирди. О.Конт, А.Пуанкаре, Л.Витгенштейн, Т.Кун, К.Поппер, И.Лакатос, П.Фейерабенд, К. Лоренц, Г.Хакен, Пригожин И. каби олимлар илмий натижани ҳар томонлама текширадиган асосий принципларни ишлаб чиқишди.¹ Жумладан, бу даврда, фанни фалсафадан чегаралашга доир бир неча ёндашувлар юзага келди. Ва айнан шу даврда позитивизм тил масалаларига алоҳида эътибор қаратдики, бу ёндашув асосида тилшуносликда янги концепциялар ишлаб чиқилди.

Узоқ тараққиёт босқичи позитивизм йўналишни ички тизимини ўзгартиришга муваффақ бўлган бўлсада, асосий мазмунини ўзгаришсиз қолдирди. Яъни позитивизмнинг турли кўринишлари сифатида юзага келган махизм, неопозитивизм, постпозитивизм ҳам асосий урғуни фан ривожига, унинг амалий тадбиқига ва натижаларга қаратди. Аммо бу борада ҳар бир йўналиш ўз позициясини эгаллади ва турли усуллардан фойдаланди. Позитивизм асосчиси О.Конт фалсафани фан доирасидан чиқариб ташлаб, фанга фақат тавсифлаш усулини қолдирди. Неопозитивистлар бу чегаралашни тил ва мантикнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлили асосида амалга оширдилар. Постпозитивистлар илмийликни

¹ Конт О , Пуанкаре О науке М.:1990, Кун Т. Структура научных революций. М.1975, Витгенштейн Л. Философские работы (часть 1). М.:Гносис, 1994. Поппер К Структура и рост научного знания М., 2009, Лакатос И. Фальсификация и методология научно-исследовательских программ. М., 1995., Лоренц К Обратная сторона зеркала. М.:2008., Хакен Г-. Информация и самоорганизация. М., 1990 .Фейерабенд П. Против методологического принуждения. Очерк анархистской теории познания. М., 1998., Пригожин И., Стенгерс И. Время, хаос, квант. К решению парадокса времени. М., 1994.

текшириш учун бошқа усулларни фальсификация, илмий тадқиқот дастурлари, парадигма кабиларни таклиф этдилар.

Диссертацияда позитивизмнинг тарихий босқичлари ва кўринишлари уларнинг ўзига хос ва умумий жиҳатларига эътибор қаратилди. Айниқса, неопозитивизмнинг тил масалалари борасидаги қарашлари, аналитик фалсафа сифатидаги ўрни, бугунги кун фан ва тил тараққиётидаги аҳамиятига алоҳида тўхталди.

Тадқиқот мавзуининг долзарблигини яна қуйидагилар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, тилнинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши янгилик эмас. У фан ва фалсафа доирасида алоҳида-алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Аммо уни фан фалсафаси нуқтаи назаридан текшириш тилдаги янги концепциялар натижасидаги ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради.

Иккинчидан, позитивизм асосида вужудга келган неопозитивизм вакиллари нафақат фалсафий тафаккур тарихи, балки тил тараққиёти, тилнинг мантикий таҳлилига алоқадор изланишлари катта аҳамиятга эга. Бу йўналишлар фалсафада кенг ўрганилган бўлсада, тилшуносликдаги аҳамиятини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Учинчидан, тил муаммоларининг таҳлилига фанлараро ёндашув ҳам тил, ҳам фалсафа фанига алоқадор янги қирраларнинг очилишига сабаб бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, неопозитивистик фалсафа ёки аналитик фалсафа тил таҳлилида қўллаган янги усулларни ўрганиш тилшуносларнинг бугунги тил таҳлилидаги ғализликларни, ноқобилликларни бартараф этиши мумкин.

Бешинчидан, жамият, фан ва маданият оламшумул янгиликлари билан инсонлардан ҳозирги мураккаб ва тез ўзгарувчан дунёда янада мукамал бўлишни, янада кўп изланишни, янада кенг тафаккур ва доноликни талаб этмоқда. Бунинг учун фалсафа ва тилнинг унинг дунё

билан алоқасини янада чуқурроқ англаш ҳам фалсафий, ҳам илмий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Позитивизм ва унинг йўналишлари фан фалсафаси нуқтаи назаридан изчил таҳлил этилган.

Аналитик фалсафанинг методологик асослари И.С. Нарский, А.Ф. Бегиашвили, М.С. Козлова, А.С. Богомолова, Г.А. Заиченко, В.А. Лекторский, В. С. Швырева каби рус олимлари томонидан ишлаб чиқилган.

Л.Витгенштейн, Б.Расселнинг қарашлари фалсафа тарихида қисман ўрганилган. Аммо бу изланишлар кўпроқ фан фалсафасининг баъзи жиҳатларини очишга қаратилган.

Позитивизмнинг ўзига хос жиҳатлари ўзбек олимлари томонидан ҳам изчил таҳлил этилган. Бунда Мўминов И., Хайруллаев К., Файзуллаев О., Туленов Ж, Носиров Р., Шермухаммедов С. Абдуллаева М.Н, Имомалиева Ж, Хошимова Э, Алиқулов Ҳ.А., Шарипов А., Қўшоқов Ш.С., Шермухаммедова Н., Каримов Б. каби етук олимларимизни кўрсатишимиз мумкин.

Аммо ҳам фалсафа ҳам тил доирасида бу изланишлар ҳали давом этмоқда. Тилшуносликда бу борадаги қарашлар деярли ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари Бушуй А., Усмонов У.У., Бушуй Т. кабилар томонидан таҳлил этилган. Позитивизмнинг тилга доир муаммолари тилшуносликда ўрганилиши лозим бўлган масалалар сирасига киради.

Тадқиқотнинг мақсади позитивизм фалсафаси тилшунослик масалаларини кенг таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Позитивизм фалсафасининг вужудга келиш омилларини ўрганиш;
- Позитивизм фалсафасидаги тил масалаларининг аҳамиятини кўрсатиш;

- Вена тўғараги вакиллариининг тил масалаларига оид қарашларини таҳлил этиш;
- Тил ва фалсафа ўртасидаги алоқадорлик ва зиддиятни, уларнинг узвий ривожланиш омилларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объектини – позитивизм, предметини эса позитивизм фалсафасида тилшунослик муаммолари ташкил этади.

Тадқиқот услуби: Тизимлилик, қиёсий таҳлил , анализ ва синтез, тарихийлик, объективлик, дедукция, индукция, герменевтик методлар.

Тадқиқотнинг илмий фарази шундан иборатки, позитивизм фалсафаси йирик ғарб фалсафий оқимларидан бири бўлиб, унда асосий эътибор фанни фалсафадан чегаралаш масаласига қаратилади. Буни позитивистлар тил ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Бу ҳолат тил ва фалсафадаги қатор муаммоларнинг ечилишига туртки бўлди. Шунинг учун тил ва фалсафа ўртасидаги алоқадорлик ва зиддиятни ўрганиш ҳам фалсафанинг, ҳам тилшуносликнинг долзарб вазифасидир.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Позитивизмнинг босқичларини даврий жиҳатдан ўрганиш ;
- Верификация ва фальсификация тамойиллари таҳлилини бериш;
- Вена тўғарагининг фан тараққиётидаги ўрнини аниқлаш;
- Позитивизм, неопозитивизм ва постпозитивизмда тил масалаларига ёндашувларни ўрганиб, уларнинг ўзига хослик ва умумий жиҳатларини аниқлаш.

Илмий янгилиги:

- Позитивистларнинг тил ва фалсафа борасидаги қарашлари ўрганиб чиқилди;
- Верификация ва фальсификация принципларининг аҳамияти унинг ютуқли ва камчилик жиҳатлари аниқланди;
- Вена тўғаридаги тил масалалари чуқур ўрганиб таҳлил этилди;

- Постпозитивим ва неопозитивизмнинг тил борасидаги карашлари қиёсий таҳлили берилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган хулосалар фалсафа, билиш назарияси, фан фалсафаси ва методологияси, фалсафа тарихи, тил тарихи каби илм соҳаларини назарий бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, ишда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотда акс этган амалий таклиф ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида бакалавриат, магистратура босқичларида ўтиладиган, фан фалсафаси, фалсафа, илмий ижод методологияси фанларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертацияда баён этилган илмий назарий хулосалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан нашр этилган жами 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий конференциялардаги маърузаларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар руйхати”дан иборат. Диссертация матнининг умумий ҳажми 94 бетни ташкил этади.

I БОБ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРИҲИДА ПОЗИТИВИЗМ ФАЛСАФАСИНИНГ ЎРНИ

I бобда позитивизм фалсафасининг вужудга келиши, унинг оқимлари, энг йирик вакиллари ҳақида сўз юритилган. Асосий урғу позитивизм фалсафасининг асосий вакиллари, уларнинг қарашлари, тил ва фикр, фикр ва мантикий тафаккур ҳақиқий билим каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ўрганилган. Катта эътибор О.Конт, Милл, Спенсер, Э.Мах фикрларига қаратилган.

1 § ПОЗИТИВИЗМ ФАЛСАФАСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Позитивизм латинча ***pozitivus*** сўзидан олинган бўлиб, фалсафий тафаккурнинг Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган бир кўриниши ҳисобланади, унинг диққат марказида фалсафа ва фан муносабати масаласи туради. XIX асрнинг 30-40 йилларида Францияда эски фалсафий анъаналардан узил-кесил воз кечиш ва янги илмий фалсафа яратиш зарурлиги тўғрисида Огюст Конт баҳс мунозаралар юритади ва позитивизм фалсафасига асос солади.

Позитивизм фалсафани фанга яқинлаштириш ва фалсафий ижод тамойилларини шунга мувофиқ тарзда қайта яратишни маъқуллайди. Фалсафани илмийлаштиришга бўлган уринишлар О.Контдан анча илгари кузатилган. XIV-XV асрларда янги даврнинг кўпчилик файласуфлари фан ютуқларидан руҳланган ҳолда фалсафа биносини илмий устахонага айлантириш режаларини ишлаб чиққанлар. Масалан, Б.Спиноза ўзининг Этика асарини геометрия усули аксиома, теорема, леммалардан кенг фойдаланган ҳолда ёзган. Т.Гоббс сиёсат ҳуқуқ ва ахлоқ тўғрисидаги таълимотни механика фани қоидаларига сосида қуришг аҳаракат қилган. Ундай ҳаракатлар аввало фалсафий билимни тараққиётнинг бош йўлига

чиқариш ҳисобига амалга оширилган. О.Конт, бир томондан бундай аниқ билим динамикаси билан боғлиқ тараққиётга доир ҳаёл қилишларига қўшилган бўлса, иккинчи томондан, шубҳасиз, жамиятни билишда оддий илмий усулдан фойдаланиш самарали натижа бермаётганини кузатган. Чамаси, у И.Кантнинг геометрия фани намоёндаси ўз усуллари билан фалсафа фани доирасида фақат асоссиз, беҳуда назария яратиши, файласуф эса ўз усули билан математикада сафсата яратиши мумкин, деган фикр тарафдори бўлган. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, фалсафани илмийлаштириш лойиҳаси, мавжуд асосларга қараганда, анча жиддий асосларга муҳтож эди. Шу боисдан француз алломаси бу вазифани бажаришга киришади.

Фақат далиллар, фактларгина позитивизм предмети бўла олади. Физикализм энг юксак мукаммал тушунчаларни ва барча илмий моҳиятларни физика шакллантиради ва улар энг мукаммал тушунчаларга олиб келади, деб ҳисоблайди.

Позитивизм фалсафа тарихида биринчи бор аввалги фалсафанинг асосий моҳиятини ва тафаккурнинг мавҳум усуллари билан англаш мумкинлигини рад этади.

Аммо Конт "метафизик" фалсафани рад этган. Дунёни адекват акс эттириш учун махсус фанлардан фойдаланиш кифоя қилмайди. Билишнинг умумий усуллари ишлаб чиқиб айрим махсус фанлар ўртасида боғланишни очиб бериб, илмий билимлар тизимини яратиши керак. Бу фалсафанинг азалий вазифаси, аввалги фалсафа барча метафизик сарқитлардан тозаланиб қайта англаб олиниши зарур. Шундай қилиб, позитивизм фан фалсафаси деган ном олди.

Фалсафани илмийлаштириш зарурлигини асослаш асосий сциентистик синдром. Бу синдром пайдо бўлишидан келиб чиққан хулоса позитивизм фалсафаси ривожланишининг манбаи, деб ҳисоблаш мумкин. Позитивизм фалсафаси вужудга келган пайтдан бошлаб XX асрнинг 60 йилларигача позитивист мутаффаккирлар ижодида сциентистик

синдромни турлича ифодалашади. Фалсафа бу синдромдан охирги ўн йиллик ичида “постпозитивизм” деб номланувчи позитивизм фалсафасининг янги шакли ёрдамида қутулди. По

Огюст Конт (1798-1857) Монпелье шаҳрида туғилади. 1816 йилда у Парижда Олий Политехника мактабини тугатади. 1817-1822 йилларда Конт таниқли француз социалисти Сен-Симоннинг ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Сен Симон Конт дунёқарашига ғоятда катта таъсир ўтказади. Конт ундан индустриализм ва сциентизм ғояларини ўзлаширади.

1833 йилдан у ўзи ўқиган Политехника мактабида ўқитувчилик қила бошлайди. 1830-1842 йиллар оралиғида у ўзининг олти жилддан иборат **“Позитив фалсафа курси”** асарини ёзади. Контнинг иккинчи таниқли иши “Сиёсатнинг позитив тизими” деб номланиб, икки қисмдан иборат бўлади ва унинг иккинчи қисми “Социология” деб номланган. Унда Конт позитив жамият фаолиятининг режаси асосларини ишлаб чиқади. Контнинг илғор ғоялари унинг асарларида жамланган бўлиб, кейинги Европа фикр тараққиётини белгилаб беради.

Контнинг фикрича, аввалги фалсафий анъаналар кераксиз, ечиб бўлмайдиган муаммолар билан шуғулланган, уларнинг ечими топилса ҳам бу хулоса ва натижалар инсонларга ижобий, (позитив) фойдали бўла олмайди. Конт нуқтаи назарида фақат фойда келтиришга қаратилган илмий услубларни ишлатадиган билим ҳақиқий ҳисобланади. У, фалсафа фойдаси бўлмаган муаммолардан воз кечиши кераклигини, шу билан бир вақтда фанлар орасида алоҳида ўринга даъвогарлик қилмаслигини таъкидлайди. Яъни, фалсафа фанлар орасида энг яхши фан ёки фанларнинг фани деган мартабага даъвогар бўлмаслиги лозим. Фалсафа юқорида кўрсатилган муаммолардан воз кечиб, илмий услублар, илмий тил, ҳақиқат муаммолари билан шуғулланиши керак. О.Конт, фалсафанинг фанлар билан ўзаро алоқадорлигини қўйидагича таъкидлайди, “метафизик муаммоларни илмийлик руҳига мослаштиришга бўлган уринишларнинг бари беҳуда. Демак, ҳар қандай фан унга ўз ҳукмини ўтказишга жазм

киладиган фалсафага муҳтож эмас, у ҳар қандай таянчни ўзидангина топиши мумкин. Анъанавий фалсафа муаммоларини илмий нуқтаи назардан, яъни тажриба ва ақлий муҳокама ёрдамида ҳал қилиб бўлмайди. Метафизик сарқитларни фандан сиқиб чиқариш лозим. Бундай сарқитлардан бири фан томонидан ҳодисаларнинг сабабий тамойил асосида таҳлил қилиниши ва уларнинг моҳиятига кириб боришига даъво қилишдир. Фаннинг вазифаси ҳодисаларнинг “нима учун” эканлигини уқтириб бериш эмас, балки уларнинг “қандай эканлигини” ёритиб беришдан иборат.

Позитивизм вакиллариининг таъкидлашича, билиш, тажриба, субъект-объект муносабатлари, нарса, субстанция, воқеликнинг унсурлари, физиологик ва психологик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари соф метафизик муаммолардир.

Конт “позитивизм” сўзини “уч босқич қонуни ёки инсоният интеллектуал эволюцияси қонуни” сифатида фанга киргизади. Унга кўра, инсон тафаккури тараққиётнинг уч босқичини босиб ўтган.

1. Теологик (диний) босқич;
2. Метафизик ёки салбий ақл босқичи;
3. Позитив, ижобий ақл босқичи.

Биринчи босқичда ақл оддий ва анъанавий дунёвий саволларга дин орқали жавоб излайди. Аммо диний дунёқараш реал дунёнинг туб моҳиятини тушунишга йўл қўймади ва бу муаммоларни ечиб бера олмайди. Шу сабабли ақл, иккинчи босқичда диндан фанга кўчади ва дунёни фалсафий (метафизик) тушунишга ҳаракат қилади. Лекин фалсафа ҳам инсоннинг табиатини тушунтира олмай, қўйилган дунёвий муаммоларни ҳал қила олмайди. Фақатгина учинчи позитив босқичда инсон ақли илмий ва рационал ёндашувни ишлаб чиқди. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш билан боғлиқ муаммоларни Конт, ечиб бўлмайдиган муаммолар сирасига киритди. Фалсафа эса айнан шу маънодаги муаммолар ечимини излайди. Ҳолбуки, фалсафанинг асосий вазифаси кузатиш, яъни бошқа фанлардан

олинган билимларни таснифлаш ва тартибга солишдан иборат бўлиб, метафизик масалалардан қочиши лозим.

Фалсафа предмети Конт фикрича, фанларнинг энг умумий хулосалари ва усуллари бирлаштириш ва шу асосда ўз услубини яратишдир. Фалсафа фани унинг фикрича, асл методологиядир.

Конт индукция, дедукция ва гипотеза усуллари юқори баҳолайди. Ундан ташқари кузатиш, тажриба, солиштириш орқали таҳлил қилиш усуллари ҳам юқори баҳолаб, уларни айрим фанларда ўзига хос ўрни борлигини таъкидлайди. Бу усулларни барча фанларда бирдай қўллаб бўлмаслигини тасдиқлайди. Масалан, физика, кимё фанлари тажрибага; биология кузатиш ва солиштиришга; тарих эса солиштириш орқали таҳлил қилишга асосланади.

Конт фикрича, социология жамият ҳақидаги фан бўлиб ижтимоий ҳодисаларни солиштириш ва таҳлил қилиш услубларига асосланади. У ижтимоий ҳаётда оила, табиий муҳит, уруш, маданият, санъат, иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ва бошқа жараёнларни таҳлил қилади.

Позитивизм уч босқичда намоён бўлди.

1. мумтоз позитивизм
2. махизм ёки эмпириокритицизм
3. неопозитивизм ва постпозитивизм

Мумтоз позитивизмнинг йирик вакиллари Огюст Контдан ташқари таниқли инглиз файласуфлари Жон Стюарт Милль (1806-1873) ва Герберт Спенсер (1820-1903) лардир. Г.Спенсер оддий кузатишларни тавсифлаш асосида эволюция ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқади. Аммо унинг таълимоти ривожланишнинг чуқур механизмларини очиб тушунтириб бера олмади. Позитивизмнинг ривожланиш жараёнида фанда дунёқарашга бевосита таълуқли муаммолар олиб ташлана борди. Буни XIX аср позитивизмининг йирик вакиллари Ж.С.Милль ва Спенсер қарашларида яққол кўрамиз. **Жон Стюарт Милл** (1806-1873) инглиз сиёсий иқтисодчиси Джеймс Миллнинг ўғли бўлган. Г.Спенсерда фарқли

ўларок, у Контни ўз устози деб билади. Унинг таълимоти ва асосий ғоялари “Индуктив ва силлогистик мантиқ тизими” асарида баён этилган.

Миллнинг фикрича, бизнинг билимларимиз асоси сезгиларимиздир. У эмпирик билимларга таянган ҳолда фикр юритгани сабабли юқоридаги фикрни баён этади. Мантиқ билимларининг хулоса назариясига асосланган амалий фанлар қаторига киради.

Конт метафизикани инкор этар экан, тажрибавий билишни ақлий билишга қарши қўяди. Айнан Милл Контни қўллаб қувватлаб, фан ўз-ўзига фалсафа деб ҳисоблайди. Олдинги метафизика тажриба орқали олиш мумкин бўлмаган ҳолатларни ҳам мантиқий излашга ҳаракат қиларди. Бу усул Аристотел силлогизмидан иборат эди. Аристотелнинг ўзи ҳам кўпгина билимларни тажриба орқали олмасдан бошқаларнинг фикр мулоҳазаларига, хулосаларига суянади, хулосалар иккига бўлинади.

1.Эҳтимолли хулоса;

2. Зарурий хулоса.

Зарурий хулосалар дедуктив ҳисобланиб, хусусийдан хусусийга, умумийдан хусусийга қараб чиқарилган хулоса бўлиши мумкин. Метафизика фойдаланган силлогизмнинг энг машҳури “Ҳамма одамлар ўлади. Суқрот одам. Демак Суқрот ўлади” деган афоризм ҳисобланади.

XIX асрда силлогистик мантиққа қарши чиққан Милл бўлди. У бу усул мустақил бўлмасдан бизга янги билимларни бера олмайди, деб ҳисоблайди. У силлогистик мантиққа индуктив мантиқни қарши қўйди. Бу усул эҳтимолий бўлиб, хусусийдан умумийга қараб кетишдан иборат эди.

Албатта, Милл бу борада ўзидан олдинги файласуфларнинг фикрларига таянган. Чунки бундай ғоялар Ф. Беконда учрайди. Уларнинг иккаласининг ҳам бу соҳага қизиқишлари барча билимларнинг сезгилардан бошланишига, яъни кузатишларга асосланиши билан изоҳланади. Милл силлогизмни бутунлай инкор этмайди, балки уни индукциянинг қисқартирилган шакли сифатида тушунтиради. Чунки

хамма одамлар ўлади, деганимиз Сукрот, Платон, Арастунинг ўлимидан дарак беради.

Агар Сукротнинг ўлими ҳақидаги хулоса силлогизмнинг мумтоз намунаси бўлса, индуктив хулосага оққушларни мисол қилиш мумкин. Чунки хусусий билимлар умумий хулосага олиб келиши мумкин. Аммо санок орқали вужудга келадиган хулоса гепотетик бўлиши мумкинлигини юзага келтирди. Европа ҳам, Осиё ҳам, Африка ҳам оққушлар мавжудлигини тасдиқларди. Аммо кейинчалик Австралияда қора қушлар топилганлиги боис, бу хулоса гепотетик бўлиши мумкинлигини яққол кўрсатди.

Шундай қилиб, Милл XIX аср фан фалсафасининг ҳаминдуктивизм вакили ҳисобланади. Унинг фикрича, барча янги билимларни олиш индукцияга боғлиқдир. Ж.Милл индуктив усулнинг тўрт усулини ишлаб чиқади:

1. келишув услуби;
2. фарқ қилиш услуби;
3. қолдиқ услуби;
4. йўлдош ўзгарувчанлик услуби.

Индуктив мулоҳаза инсон билимининг хилма-хиллигига ишонишдир. Шу билан бирга индукция зарурий, умумий ва ҳақиқий билим бера олмаслигини ҳам тушунтиради. Яъни алоҳида фактлар умумлашмаси натижасида умумий қонунни чиқариш мумкин эмас. Лекин айнан шундай билимлар илмий тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади. Мана шу ерда Бекон ва Милл фикрларида қарама-қаршилиikka дуч келамиз. Гап шундаки, Бекон бу усулнинг зарурий, ҳақиқий ва умумий билим бера олмаслигидан ташқари олимлар бу усулдан амалда қўлламаслигини ҳам айтиб ўтади. Бошқача қилиб айтганда, санаш орқали индукция файласуфнинг тасаввури холос.

Арасту индукция методини биринчилардан бўлиб Сукрот қўллаганлигини айтади. Лекин Сукрот бу ҳолатга санаш орқали эмас, балки танлаш орқали эришиладиган билим, деб баҳолайди. Сукрот адолат,

гўзаллик, жанговарлик ҳақида гапирар экан, уларни ташқи томонини ҳисобга олгани учун эмас, балки мақсад ва аҳамияти даражасига урғу беради.

Бундай индукцияни Бекон ҳақиқий индукция, деб ҳисоблайди. Бекон индукцияси дедукция ўртасидаги қарама-қаршиликни олиб ташлайди. Индукция Бекон фикрича учинчи, у хусусийдан умумийга, умумийдан хусусийга қараб кетишнинг ўртасидадир. Шу билан Бекон силлогизмга ҳам, хаминдукивизмга ҳам танқидий ёндашади.

Герберт Спенсер (1820-1903) 1820 йил 27 апрелда Англиянинг Дарби шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилади. Ёшлигиданок у Лондоннинг Бирменгем темир йўл қурилишида инженер лавозимида ишлайди. 1846 йилда Герберт Спенсер инженерлик фаолиятини ташлаб “Экономист” журнали ходими бўлиб ишлайди. Г.Спенсернинг эволюцион ғоялари XIX асрнинг 30 йилларида шаклланади. Спенсернинг йирик асари “Ижтимоий статика” 1850 йилда нашрдан чиқарилади. Бу асарда Спенсер органик ривожланишни ижтимоий тараққиётга тадбиқ қилади. Тараққиётни механистик талқинига ўтади. Ўзининг ривожланиш гипотезаси номли мақоласида Спенсер барча тирик жонзотларнинг табиий йўл билан келиб чиқишини қатъий таъкидламаса ҳам, уларни илоҳий куч томонидан яратилиши ғоясини шубҳа остига олади.

Спенсер фанарни таснифлаш жараёнида Конт таснифини бироз ўзгартириб кенгайтириб беради. У фанларни учга бўлади.

1. мавҳум фанлар: математика ва логика;
2. мавҳум- аниқ фанлар: механика, физика, химия;
3. аниқ фанлар: астрономия, геология, биология, психология ва социология

Спенсер макон ва замонни мавҳум кучнинг кўриниши деб ҳисоблайди, макон замон ва мавҳум кучлар биргаликда материяни ташкил этади.

Макон ва замон унинг фикрича, нисбий реалликдир, унинг мавжудлиги бошқа мутлақ мавҳум реалликнинг борлигидан далолат беради, нарсалар макон ва замонда мавжуддир. Макон нарсаларнинг бири-бирига нисбатан жойлашувини, замон нарсалар бирин-кетин содир бўлишини ифодалайди.

Спенсер биз ҳис қилган оламдан бошқа олам мавжудлигини, объектив оламнинг мавжудлигини тан олади. Спенсер “Психология асослари” асарида Беркли ва Юмнинг қарашларини танқид қилади. Агар Беркли борлиққа инсон ҳис-туйғуларининг йиғиндиси сифатида қараса, Спенсер моддий оламнинг объектив мавжудлигини таъкидлайди.

Спенсер фикрлар бизнинг онгимизда моддий олам таъсир қилганлиги учун пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Моддий оламнинг инсон организмига бир хилда таъсир қилиши, бир хилдаги фикрлар оқимини юзага келтиради, дейди. Унинг бу фикрлари материалистларнинг фикр ва сезгиларининг инъикос сифатидаги тасаввурига ўхшайди, яъни билишда инъикос назариясини инкор этмайди. Умуман олганда, Спенсернинг фалсафий дунёқариши ўз давр муҳити, яъни XIX аср табиий фанлар ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Позитивизмнинг иккинчи босқичи Австриялик физик Эрнст Мах номи билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, бу босқич эмпириокритицизм (*эмпирия* тажриба, *критицизм* танқид деган сўзлардан олинган), яъни эмпириотанқидийлик маъносини беради. Бу фалсафий концепциянинг ишлаб чиққан йирик позитивистлар Эрнст Мах, швецариялик файласуф Рихард Авенариус ва буюк француз математики Жюль Анри Пуанкаредир. Эмпириокритицизм инсон тажрибасига танқидий ёндашадиган дастурни, яъни билишнинг янги назариясини ишлаб чиқади. Бу таълимот XIX –XX асрда вужудга келиб, физиканинг инқироzi даврига, яъни физика фанининг фундаментал тушунчалари ва унинг фалсафий дунёвий асосларини янгича тафаккур қилиш жараёнида вужудга келди. XIX асрнинг охирига қадар барча физик жараёнлар

Ньютон асос солган мумтоз механика қонунларига асосланади, деб ҳисобланарди. Лекин атомнинг бўлиниши, радиоактивлик, электоромагнит майдон, масса дефекти, ёруғлик тезлигининг доимийлиги натижасида битта хулоса янгради: мумтоз механика табиатнинг барча ҳолат ва жараёнларини тушунтириб бера олмайди, унинг қонунлари ҳамма ўйлагандек, барча жойда баравар амал қилмайди. Бу ҳолат эса бутун дунё илмий манзарасини ҳам катта хавф остига келтириб қўйди. Олимларни табиатдаги барча жараёнларни тушунтириб бера оладиган қонун борми ёки йўқлиги ўйлантириб қўйди.

Эрнст Мах физика инқирозини бошқа йўл билан ечишга ҳаракат қилади. У инсон билишини чуқур таҳлилдан ўтказди.

Эрнст Мах 1838 йилда Турас шаҳрида чехлар оиласида таваллуд топади. 1860 йилда у Вена университетини тугатиб, доцент лавозимини қўлга киритади. 1864 йилда у Грацда математика профессори, 1867 йилда физика фанлари профессори лавозимини олиб, кейинроқ Прага университети ректори лавозимларида ишлайди.

Фан доирасида Мах экспериментал ва назарий механика акустика, оптика соҳаларида катта ишларни амалга оширади. Мах сонлари ҳозир ҳам аэродинамикада ишлатилади. Мах Ньютон механикасини инкор қилиб жисмларнинг ҳаракати нисбийлигини исботлашга уринади. Бу қоида Махнинг нисбийлик тамойили сифатида машҳур бўлиб кейинроқ Эйнштейннинг нисбийлик назариясини вужудга келишига катта замин яратади. У кўпгина илмий асарлар муаллифидир.

Унинг ёндашуви асосида “Тафаккур иқтисоди” деган тамойил ётади. Унинг асосида эса соф тавсифланган фан келиб чиқади. Ривожланган фан барча тушунтиришлардан қочади. Иқтисод нуқтаи назаридан барча тушунтиришлар тушиб қолиб, фан бор йўғи воқеаларни тавсифлашдан нарига ўтмайди. Мах фикрича, иқтисодли фикрлаш, оддий жиҳатдан энг содда назарий усуллар орқали фан текшираётган жараёнларини тавсифлаш ҳисобланади. Бу билан махистлар Дж. Беркли ва Д.Юм каби йирик

файласуфларнинг субъектив идеализми асосидаги, “Барча жисмлар материал объект бўлмасдан сезгилар маҳсулидир”, деган ғояни такрорлайдилар. Мах фикрича, фундаментал реалликни тушунтириш натижасида вужудга келадиган физик тушунчалар (фазо вақт, ҳаракат куч) субъектив бўлиб нарсаларнинг моҳиятини аниқ очиб бера олмайди. Махистларнинг фикрига кўра, фаннинг содда тавсифлашга ўтиши физикадаги кризисни енгитишга олиб келади. Шунинг учун Мах фан оламини “нейтрал элементлар жамланмаси” деб ҳисоблайди. Биз материал жисмлар, деб атайдиган нарсаларимиз элементлар комплекси ҳисобланади. Фанга материал жисмлар тушунчаси, ортқча бўлиб бу “тафаккур иқтисоди” тамойилига қаршидир.

Анри Пуанкаре ва бошқалар бу инқирозни бошқа йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Бу тамойил фанга конвенционализм тамойили сифатида киради. Конвенционализм тамойилига асосан математик ва табиий фанлар назариялари ўртасида олимларнинг ўзаро келишуви, конвенциялари ётади. Табиат қонунлари қатъий бўлмай, аморф, ноаниқдир. Шунинг учун олимлар у ёки бу воқеани турлича тавсифлаб улардаги қонунларни турли нуқтаи назарлар билан ифодалайдилар. Табиат қонунларини формаллаштириш нафақат нарсаларнинг объектив хусусиятларига, балки илмий жамиятнинг қирраларига ҳам боғлиқдир. Пуанкаре худди Кант каби нарсалар моҳиятини билишни инкор этиб, жараёнлар дунёси бизни тафаккуримизга боғлиқлигини таъкидлайди. Лекин бу борадаги фикрларни ҳамма ҳам қўллаб қувватламайди, чунки фанда бу борадаги келишувлар мавжуд бўлиб, билимларни қай усулда етказишни баён этишнигина ҳал этиши мумкин, аммо табиат мазмуни бундан мустаснодир. Фан тарихи шуни кўрсатадики, биргина қонунни турлича йўллар билан ифодалаш мумкин лекин реал жараёнлар бизнинг баён этиш усулимизга боғлиқ эмас. Бу борада табиат қонунлари ва фактлар олимни мажбуриятга ундаши мумкин.

Тафаккур иқтисоди тамойили билишнинг илмий усулда ифодаланишини ёқлайди. Уильям Оккам (1285-1349) Оккам устараси, деб ном олган методологик тамойилни ишлаб чиқади. “Моҳиятни заруриятсиз кўпайтириш шарт эмас”. Бу тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, билишда оддий ва ёрқин тушунтиришларга мурожаат қилиш лозим тажрибада синаб бўлмайдиган ва интуитив равишда ҳақиқий ҳисоблана олмайдиган ғояларни олиб ташлаш лозим. Оккам фикрича, фақат эмпирик билишга ишониш лозим. Махнинг тафаккур иқтисоди, Оккамни бу тамойилини янгилади. Ҳақиқатан ҳам физика, математика ва гуманитар фанларда соддалик, тартиблилик ва мантиқийлик илмий назарияларнинг асосий унсурларидир. Худди шундай талабларни, аниқ ва натижавийликни фанга Р.Декарт ҳам қўйган эди, аммо Махнинг бу ёндашуви айрим норозиликни келтириб чиқаради. Билимнинг асосий тамойили оддийлик эмас, балки ҳақиқийликдир. Агар назария нарсаларнинг реал хусусиятлари ва муносабатларини акс эттирмаса, ҳеч қандай оддийлик ва мантиқийлик унга ҳақиқийликни қайтариб бера олмайди. Ҳақиқатда, моддий оламни объектив равишда тўғри кўрсатиб бера оладиган назариягина иқтисодлидир.

Физика фанига махистик ёндашув, унинг тарафдорларига янги фундаментад физик назарияни яратишга йўл қўймайди. Эрнст Мах, Анри Пуанкаре, Альберт Эйнштейн ўз-ўзидан ҳоли ҳолда нисбийлик назариясининг формулаларини асосларини киргиздилар. Аммо Мах ва Пуанкаре бунга конвенционализм нуқтаи назаридан ёндашдилар. Уларнинг формуласи бошқа формулалардан ютуқли ҳам, ютуқсиз ҳам эмасди. Альберт Эйнштейн эса аксинча, Декарт рационализмига ва Европа материализмига суянди. У олинган формулаларни реал жараёнларни тулиқ тавсифлаб бера оладиган формулалар сифатида шакллантиришга ва улар олимларнинг келишувига алоқадор бўлиш бўлмаслигидан қатъий назар эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу ёндашув Эйнштейнга янги

фундаментал физик назарияни, нисбийлик назариясини яратишга имкон берди.

2§ ПОЗИТИВИЗМ ФАЛСАФАСИНИНГ ОҚИМЛАРИ

Конт ўзи яратган “социология” фанини фундаментал фанлар каторига киритиш мақсадида ижтимоий ривожланишнинг эволюцион назариясини яратди. Инқилобий назариялардан воз кечиб улар ўрнига эволюцион тамойиллардан фойдаланилди. Жамиятда мавжуд бўлган тартибни инқилоби йўл билан эмас, балки ислохот билан ўзгартириши мумкин. Эволюцион ўзгартиришлар ижтимоий ривожланишни таъминлайди. Конт ўз тадқиқотларида оила ривожланишининг қонунларига эътибор бериб жамият ривожланишининг асосий қонунлари тарихий ривожланишнинг уч босқичига эътибор берган.

А.Сен-Симон ва Даламбер ғояларига асосланган ҳолда Конт инсон интеллектининг эволюцион ривожланишида теологик, метафизик ва ижобий қонун борлигини таъкидлайди. Маданият ва онгнинг барча турлари ҳам уч босқични босиб ўтади: индивидуал, ижтимоий, миллий. Учинчи позитив босқич тахминан 1800 йилдан бошланиши унда фан ва унга муносиб фалсафанинг жамият ҳаётида мустаҳкам ўрнашишидан далолат беради.

Теологик босқичда барча ҳодисалар диний тасаввур асосида тушунтирилади. Инсон табиат ҳодисаларининг мавжудлигини ўзига хос ирода ёхуд ғайритабиий моҳиятлар маҳсулидир, деб тушунтиради.

Иккинчи-метафизик босқич табиатни нарс ва ҳодисалар моҳиятини тушунтиришда мавҳум сабаблар, “ғоя” ва “куч” тушунчаларидан фойдаланади. Ушбу босқич танқидий бўлиб, унинг вазифаси олдинги тасаввурларни рад этган ҳолда учинчи ижобий позитив илмий босқични тайёрлашдан иборат эди.

Позитивизм ўз вазифасини ноилмий билимларга танқидий ёндашув сифатида тушунади ва ўз танқидини асосан анъанавий метафизикага қарши қаратган. Контнинг фикрича, фалсафа ва фаннинг ўзаро келишмаслиги илмийлик руҳини метафизика нуқтаи назардан ўрганиш натижа бермаганидан далолат беради. Шунинг учун метафизикадан воз кечиш керак. Фан эндиликда ундан устун турган фалсафага мухтож эмас. Шунинг учун фан фақат ўзига таяниши керак.

Позитив ёндашув фаннинг тубдан ўзгаришини тақозо этади. Фан соҳасида метафизик қатламлардан воз кечиш керак.

Позитив босқичнинг илк белгиси ижтимоий онгда тасаввурнинг ҳар доим кузатишга бўйсунити қонуннинг ҳукмдорлигидир. Бу қонунга биноан, позитив илмий билимда “агар ҳар қандай гапни хусусий ёки умумий фактнинг аниқ баёнига айлантириб бўлмаса, унда бу гап тушунарли маънога эга эмасдир” Кўрилатган қонун нуқтаи назаридан илмий деганда, фақат кузатишга лойиқ нарсалар ва ҳодисалар тушунилади, фаннинг вазифаси эса фактларни тушунтириш изоҳлаш эмас, балки тавсифлашдан иборат.

Бўйсунити қонуни билан аниқланадиган позитивизм фалсафасининг руҳига мувофиқ методологияни Ж.Милль “Мантиқ тизими” асарида ишлаб чиқди. Милль Конт ғояларининг Англиядаги тарғиботчиси. Бироқ уларнинг қарашларида бир бирига зид жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Милль индуктив мантиқни тадқиқ этар экан, унинг ёрдамида социологияни эмпирик жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилди. Индуктив мантиқ факт ва исботлар умумлаштиришининг методологик асоси эканлигини таъкидлаб ўтган. Бу тажрибавий билиш ва индуктив мантиқ методологияси эди. Миллнинг фикрига кўра билишнинг ҳақиқий илмий усули такомиллаштирилган индукциядир. “Илмий принцип ёки алоҳида фактни ўрнатамизми, бу жараёнда тажриба ёхуд хулосага мурожаат қиламизми, хулоса занжиридаги ҳар бир халқа аслида индуктив тавсифга эга, деб ёзади Милл.

Индукциянинг онтологик асоси нарсаларнинг ўзига хос ўхшашлигидир. О.Контнинг фикрича, позитив тафаккур қуйидаги хусусиятларга эга; реаллик, фойдалилик, ишончлилиқ, аниқлик ва ижобийлик. Милль учун эса улар индуктив илмий тафаккурнинг хусусиятлари эди. О.Конт чамаси, ижтимоий тараққиётни нафақат илмий билимнинг чуқур ривожланиши балки, янги фанларнинг вужудга келиши ҳисобига бу ривожланишнинг кенгайиши билан ҳам боғланган илк мутафаккирлардан бири бўлган. Контни замонавий фандаги оқ доғларга барҳам бериш илҳомлантирди. Унинг номи фанга жамият ҳақидаги таълимот “социология” тушунчасини фанга олиб кирганлиги билан абадий боғлиқ бўлади. Шу билан бирга у “социология”нинг зарурлигини кўрсатиб, нафақат илмий билим биносини охиригача қўриб битирди. Балки бу бинони қайта қўришни тавсия қилди. Яъни у қайта қўрилган илмий билим биносида фанлар мураккаблиги даражасининг ўсиши, пайдо бўлиш вақти ва бир-бири билан боғлиқлигини акс эттирувчи тартибда жойлашиши лозим эди.

Фанни ташкил этилиши ва қурилиши ҳақидаги таълимот француз олими томонидан энциклопедик қонун ёки фанлар иерархияси деб номланди. Унинг фикрига кўра фанларнинг иерархик тизими қўйидаги кўринишга эга. Математика, астрономия, физика, кимё, биология ва социология. Франциялик позитивист тизимни абадий ва ўзгармас, деб ҳисоблайди. Социология фанининг мавжуд бўлиши кераклиги ва зарурлигини исботлаш бевосита иерархиянинг вазифаси эди. Иерархиянинг мазмуни позитивистик фалсафанинг роли ва аҳамиятини асослаб беришдан иборат. Алломанинг фикрича, ушу фалсафанинг асосий тарғиботчиларидан бўлиб, нафақат таълим тизими вакиллари балки олимлар, санъаткорлар, пролетарлар ва аёллар бўлиши керак.

Фан табиати вазифалари ва усуллари ҳақидаги Конт-Милль қарашларини Г.Спенсер ўз асарларида қўллаб-қувватлайди. Инглиз файласуфининг фикрича, фан сабаб ва асосларни умуман билиб

бўлмайдиган ҳодисалар билан шуғулланади. “Инсон ақли орқали бутун маҳоратини ишлатганда ҳам тажрибасидан ташқаридаги нарса ва ҳодисаларни била олмайди. Чунки тажриба ташқарисида билиш мумкин бўлмаган нарсалар мавжуд ва улар ҳақида инсон фақат уларни билиш мумкин эмаслиги ҳақида мутлақ билимнинг ўзи мумкин эмаслигини билади”, деб таъкидлайди Спенсер. Ижтимоий ҳаёт тараққиёти унинг тасаввурига кўра бирлашиш ва ажрашишдан иборат, ҳамда энг кучлилар энгиб чиқадиган яшаш учун кураш маҳсулидир.

Конт, Милл, Спенсер карашларида илк тарихий шаклдаги позитивистик фалсафанинг турли томонлари алоҳида ёритилган. Улар аввалги мавҳум (мушоҳадага асосланган) фалсафа ҳамда теологик дунёқарашнинг турли шакллари камчиликларини бартараф этишга даъво қилувчи фалсафани ифодалайди. Позитивизмнинг фалсафа сифатидаги негизи фанга йўналганлик бўлди. Бу фалсафанинг асосий ғояси нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини излашдан, воз кечиш ва ҳодисаларни тавсифлашдан, (феноменализм) кўрсатмасига дедуктив мушоҳадага асосланган фикр юритиш (индуктивизм) қўшилади. Индуктивизм қонидасидан мутлақларини (мутлақ нарсаларни) излаш таъқиқини онгли равишда амалга ошириш келиб чиқади. Ривожланишнинг мураккаб жараёнларини оддий интеграция ва дифференциация бирикмаси даражасига тушириб қўйиш ва ниҳоят онгли равишда инқилобларга қарши чиқиш, яъни ижтимоий инқилобларга салбий муносабатда бўлиб ижтимоий инжинерия усулларига урғу бериш билан ифодаланади. Илк позитивизмнинг мафкуравий ақидаси сифатида юқорида келтирилган тамойиллар руҳида талқин этилган “тараққиёт” ва тартиб тушунчалари хизмат қилади.

Позитивизм ривожининг иккинчи тарихий босқичи эмпириокритицизм деб ном олган.

Конт, Спенсер, Милл борлиқни механика қоидалари асосида изоҳлаб позитивизм асосида дунёнинг муайян илмий манзарасини яратдилар.

XIX-XX асрлар чегарасида квант физикасининг ривожланиши билан Ньютон физикасининг принципларига асосланган механик методология шубҳа остига олинди ва мавжуд дунёнинг илмий манзараси рад этилди. Бунинг оқибатида илмий билишнинг эмпирик методологияси ҳам янги фаннинг мезонларига жавоб бера олмай қолди. Тадқиқотлар илмий изланишларнинг натижалари техник ускуналар ва инсоннинг сезги аъзоларига боғлиқ тарзда аниқланди.

Рухий тадқиқотлар асосида бу фаннинг инсон ва уни қуршаб турган дунёни ўрганувчи фанлар билан боғлиқлиги аниқланди. Шу муносабат билан позитивистлар метафизик муаммолар деб ҳисобланган билишнинг моҳияти субъект ва объект муносабати жисм ва руҳнинг ўзаро боғлиқлиги ”тажрибанинг моҳияти манбаалари каби муаммоларни ўз диққат доирасига олишлари керак бўлди”.

Ўз даврининг таниқли физик олими машҳур психолог Эрнст Мах ҳамда Рихард Авенариус илмий ижоди классик физика ва психологиянинг қайта қуриш жараёни чўққисига чиққан даврида намоён бўлади.

Э.Мах таълимотида фалсафа ғояси ўзига хос акс этган. Билиш предмети ташқи дунё инсонга ўзлигича берилган эмас, балки улар доим ҳиссиёт, субъект ва фаолият шаклларининг натижаси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун Мах дунё ҳақида тўғридан- тўғри гапириш мумкин эмас, деган фикрни билдирар эди. Ушбу фикр Кант томонидан айтилган ва XIX асрларнинг охирида фалсафий онгда ўз аксини топган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмида кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Э.Мах томонидан яратилган дунё элементлари назариясига биноан “жисмлар сезгини пайдо қилмайди. Балки элементлар мажмуи жисмларни ташкил этади. Бошқача айтганда, илмий тажриба руҳий (сезгилар) ёки физикавий (факт)лар ҳодисалардан эмас, холис элементлардан ташкил топган. Албатта олим ҳар қандай дунё тавсифларининг иложи борида қатъий бўлишидан манфаатдор. Бу нуқтаи назардан, фан тилининг энг олий фазилати холислик бўлар эди.

Махнинг иккинчи назарияси тафаккурни тежаш принципи ҳисобланади. Мах учун илмий тафаккурнинг асосий хусусияти фанларни тежаш уйғунлаштириш ва ташкил этиш ҳисобланади. Илмий тафаккурни тежаш инсоннинг дунёда мўлжал олишдек биологик эҳтиёжнинг ривожланишидан келиб чиқади. Нутқни қискартириб ёзиш учун стенографиянинг турли тизимлари қабул қилингани каби “тафаккурни тежаш” тамойилидан фойдаланиш жараёнида нафақат турли, балки қарама қарши илмий назариялар ҳам тавсия этилиши мумкин. Агар улар содда, тежамли, қулай бўлса, барчаси қоникарли бўлади. Махнинг фикрича, илмий назарияларнинг ҳақиқийлиги масаласи орқага сурилади. Чунки тежамкорлик фаннинг олий принципи ва мукамаллелигининг белгиси, деб эълон қилинади. Амалда эса олим, одатда оламга энг содда тавсиф берувчи илмий концепцияларни афзал кўради.

Мах ва унинг издошлари олам деганда, нимани тушунишади. Олимлар ҳақиқатан ҳам табиатни ўрганиш воситаларини минималлаштиришга ҳаракат қилганлари билан, фаннинг ҳақиқийлик тамойилидан кўра тафаккурни тежашни афзал кўрадилар, деган маънони билдирмайди. Ўтган асрларда ҳам ҳозирги даврда ҳам илмийлик деганда тафаккурни тежаш эмас, оламга ҳақиқий таъриф бериш тушунилган. Р.Авенариус, Мах каби олимлар илмий тафаккурнинг асосий белгиси кучни тежаш деб билганлар. Фалсафанинг асосий вазифаси ҳам унингча, тадқиқотларни олиб боришда энг кўп куч сарфлаш принципига асосланиши бўлди. Унинг бу қарашлари фан образини анча ўзгартирди. Бу тамойилни амалиётга тадбиқ этиш учун позитивистик фалсафа мазмуни “соф тажриба” доирасига кирмайдиган тушунчалардан фойдаланишдан воз кечиши керак бўлди. Фан доирасидан “сабаб”, “атом” “субстанция” каби тушунчаларни олиб ташлаганда, олимнинг фикр юритиши нафақат тежамли, балки феноменологик фикр юритишга айланди. Шундай қилиб, эмпирокритицизмда тафаккурни тежаш, бизга таниш бўлган феноменализм тамойили билан тўлдирилади.

Позитивизмнинг учинчи босқичида бир неча фалсафий мактаблар шаклланди, бу йўналиш умумий ном билан неопозитивизм деб аталди. Уни бошқача қилиб, мантикий позитивизм, лингвистик фалсафа, танқидий рационализм деб ҳам атадилар.

XX асрнинг икинчи ярмида эса постпозитивизм йўналиши пайдо бўлди.

Неопозитивизмда фалсафанинг тор йўналиши, билиш назарияси сақланиб қолди. Неопозитивистларнинг фикрича, фалсафа-фан тилини билимларнинг ифодалаш усули сифатида ишлатиши лозим ва инсон фаолияти бу билимларни таҳлил этиши ва унинг тилда ифодаланишини текшириши керак. Неопозитивистлар илмий билимларни таҳлил этиш учун худди конвенционализм тамойили сингари, верификация тамойилини илгари сурдилар.

XX асрнинг 20- йилларида неопозитивизм ёки аналитик фалсафа юзага келди. Неопозитивистларнинг фикрича, метафизика фанга тил орқали кириб боради. Бу йўналиш вакили Бертран Рассел бўлиб, у илмий соҳада кўпгина йўналишлар билан қизиқар, аммо асосийси у математикани асослашга эътиборини кўпроқ қаратган олим ҳисобланади. Рассел Кембридж университетида таҳсил олиб, кейинроқ шу университетда дарс беради. Ўзининг асарларида у Кембридж университетига киришдан олдин “мен умуман замонавий тафаккур ҳақида ҳеч нарса билмасдим, менга Дарвин ва Жон Милл ўз таъсирини ўтказди”, деб ёзади. Кембриж университетига киргач, у замонавий тафаккур билан танишиб, Шоу ва Ибсен, Флобер ва Патер, Уолт Уитмен ва Ницше кабилар билан танишгани, Мур уни Кембриджгача бўлган фикрларга қайтарганини таъкидлайди. Демак, Рассел яна Миллнинг таълимотига қайтиб, шу асосда ўзининг таълимотини яратишга ҳааракат қилади. Рассел ўз диссертациясини геометрияга бағишлаган бўлсада, фалсафага математика орқали кириб келганини қайта- қайта таъкидлаган.

Расселнинг машхур асарлари математикага бағишланган “Математика принциплари” деб номланади. Рассел фалсафани айнан позитивизм руҳида тушунади. Унинг фикрича, фалсафа “фан ва дин ўртасидаги ҳеч кимга тегишли бўлмаган ер” дир. У анъанавий фалсафани метафизика сифатида тушунади ва биринчи ўринда фанни метафизик тушунчалардан тозалашга ҳаракат қилади. Бу Исаак Ньютоннинг “Физика метафизикадан қурқ” деган инглиз эмпирик анъанасининг давомидир. Лекин Ньютон фан асосларининг бошланғич даврида турган экан, метафизикадан схоластик нуқтаи назар сифатида қурққан бўлса, Рассел фанни тағ-томирига айланган метафизикадан тозалашга ҳаракат қилади. Шунинг учун у ҳатто мумтоз тасаввурдаги “субстанция” тушунчасидан ҳам воз кечади.

Неопозитивизмнинг асосий ғоялари “Вена тўғараги” томонидан ишлаб чиқилади. “Вена тўғараги” физик ва математик олимларни бирлаштириб, 1925-1936 йилгача фаолият кўрсатган. Улар ойида бир марта Вена университетида учрашадилар. Бу тўғаракнинг яна бир ташкилотчиси Мориц Шлик бўлиб, у 1895 йилда Энст Мах томонидан тузилган индуктив фанлар кафедраси мудир бўлиб ишлайди. Шлик фалсафага физикадан кириб келади. У Планк ва Эйнштейн билан яхши таниш бўлиб, нисбийлик назариясига биринчилардан бўлиб фалсафий баҳо берган олимдир. Шлик ва Карнапдан ташқари “Вена тўғараги”нинг ёрқин вакиллари сифатида Отто Нейрат, Карл Гемпель, Ганс Рейхенбахлар ҳисобланишади. “Вена тўғараги”нинг ғоялари билан нафақат Венада, балки Берлин ва Варшавада ҳам қизиқадилар. Аммо Мориц Шликнинг ўлими ва Австриянинг Германияга қўшилиши натижасида 1938 йилда тўғарак иши тўхтатилиб, АҚШда Карнап раҳбарлигида давом эттирилади.

Карнап Германияда туғилган, Венада бир қанча тадқиқотлар олиб боради ва кейинчалик АҚШнинг нуфузли университетларида дарс беради. Айнан Карнап мантиқий позитивизмнинг асосларини ишаб чиқади. Шундай қилиб, фалсафанинг асосий моҳияти тилни мантиқий таҳлилидан

иборат ҳисобланади. XX асрнинг 30- йилларига келиб масала шу қадар кизгин тус олдики, натижада фан ва фалсафа ўртасидаги чегаранинг ифодаси яққол намоён бўла бошлади. Улардан бири “Вена тўғараги” позитивистлари томонидан илгари сурилиб, бу қарашлар верификация принципига асосланар эди. Верификация илмийликни белгиловчи восита бўлиб унга асосан, ҳар қандай фикр ҳиссий билиш асосида қурилса ва тажрибада синалиши мумкин бўлса, унда у ҳақиқий маъно касб этади. Тажрибада синаб кўриш мумкин бўлмаган фикрлар моҳиятсиздир. Илмийликни синовчи фактлар қанчалик кўп бўлса шунча яхши. Верификация тамойили фаннинг идеал моделини яратмоқчи бўлди, лекин бу модел фанни фақат эмпирик даражага олиб келиши мумкин эди.

Верификация тамойили пайдо бўлганданок мағлубиятга учрай бошлади. Чунки улар моҳият билан илмийликни бир, деб баҳолашди. Сезгиларга асосланмаган ва идеаллаштирилган объектларни ифодаловчи илмий термин ва фикрлар моҳиятсиз ҳисобланарди. Шунинг учун фалсафадан ташқари фаннинг асосий қисми ҳам ноилмий ҳисоблана бошлади. Масалан Карнап, фалсафадаги фикрларни бемаъни деб ҳисоблайди.¹ Яъни “Цезар мавжуд” қабилидаги фикрлар унинг учун ҳеч қандай мазмун касб этмайди. Шундай қилиб, жуда тор фикрлар натижасида, яъни сезгилардан ҳоли бўлгани сабабли фалсафа бемазмун бўлиб қолди. Верификация тамойилига асосан, фалсафий масалаларга оид фикрлар ва саволларнинг кўпчилиги ёлғон эмас, балки бемазмундир. Шунинг учун биз бундай саволларга умуман жавоб бера олмаймиз. Биз фақат уларнинг бемазмунлигини кўрсатишимиз мумкин холос.² Бундан ташқари верификациянинг ўзини текшириб бўлмайди, демак у моҳиятсиз. Мантиқий позитивистлар биргина шу билан чегараланмадилар, Улар верификация тамойилини мазмунлилик чегараси ҳамдир, дея

¹ Carnap R Überwindung der Metafizik durch logische Analyse der Sprache // Erkenntnis Bd2 1931

² Витгенштейн Логико философский трактат М.1958 Ч.1 4.003

таъкидлашди. Фақатгина верификация қилинган фикрларгина мазмунга эга, қолганлари эса беъманидир.¹

Постпозитивизм неопозитивизмнинг давоми сифатида шакллансада, унинг баъзи ғояларига қарши чиқди. Бу эмпиризм ва ҳаминдуктивизм ғоялари билан боғлиқ эди. Постпозитивизмнинг энг йирик вакиллари К.Поппер, Т.Кун, И.Лакатос ва Фейерабенд ҳисобланадилар.

Карл Раймонд Поппер Венада адвокат оиласида тавваллуд топган. У Вена университетида таҳсил олади. Фалсафа ва фандан ташқари Поппер психология ва мусиқа билан қизиқади. 1928 йилда у Тафаккур психологияси методига доир деб ном олган диссертациясини ҳимоя қилади. Бир неча йил Поппер математика ва физикадан дарс беради. У “Вена тўғараги”га ҳам бир оз қатнашади, аммо уларнинг асосий ғояларига қарши чиқади, бу ғоялар унинг “Илмий тадқиқот мантиғи” асарида ўз аксини топади.

У эмпиризмга қарши танқидий рационализмни илгари суради. Поппер мантиқий позитивизмни Ж.Локкнинг эмпирик методологияси билан боғлайди. Эмпирик методологияни у обсервационизм деб номлайди. Эмпиризм учун онгнинг “бадеи назарияси” хос бўлиб, индивид “табула раса” эмас, балки тажриба оқиб келадиган бадъядир. Бунга қарши Поппер сезгилардан олинган натижаларни инкор этади. Информатсия бизга оқиб келмайди, балки фаол в танқидчи субъект томонидан ўзлаштирилади. Постпозитивизмнинг шаклланиши постмодерн фалсафасининг, прагматизм йўналишининг вужудга келишига ва ривожланишига туртки бўлди.

I БОБГА ДОИР ХУЛОСА

I бобдан қўйидаги хулосаларга келамиз:

- Позитивизм латинча ***pozitivus*** сўзидан олинган бўлиб, фалсафий тафаккурнинг Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган бир кўриниши

¹ Витгенштейн. Л. Логико философский трактат. 4.031

ҳисобланади, унинг диққат марказида фалсафа ва фан муносабати масаласи туради. XIX асрнинг 30-40 йилларида Францияда Огюст Конт томонидан асос солингандир.

- Позитивизм ўз вазифасини ноилмий билимларга танқидий ёндашув сифатида тушунади ва ўз танқидини асосан анъанавий метафизикага қарши қаратган. Контнинг фикрича, фалсафа ва фаннинг ўзаро келишмаслиги илмийлик руҳини метафизика нуқтаи назардан ўрганиш натижа бермаганидан далолат беради. Шунинг учун метафизикадан воз кечиш керак. Фан эндиликда ундан устун турган фалсафага мухтож эмас. Шунинг учун фан фақат ўзига таяниши керак.

- Позитивизм уч босқичда ривожланади; мумтоз позитивизм, эмпирокритицизм (тажрибавий танқид), неопозитивизм ва постпозитивизм.

- Позитивизмнинг иккинчи босқичи Австриялик физик Эрнст Мах номи билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, бу босқич эмпириокритицизм (*эмпирия* тажриба, *критицизм* танқид деган сўзлардан олинган), яъни эмпириотанқидийлик маъносини беради. Бу фалсафий концепциянинг ишлаб чиққан йирик позитивистлар Эрнст Мах, швецариялик файласуф Рихард Авенариус ва буюк француз математиги Жюль Анри Пуанкаредир.

- Позитивизмнинг учинчи босқичида бир неча фалсафий мактаблар шаклландики, бу йўналиш умумий ном билан неопозитивизм деб аталди. Бу йўналишга мантикий позитивизм, лингвистик фалсафа, танқидий рационализм каби йўналишлар шаклланди. Айнан шу йўналиш тил масалаларига алоҳида эътибор қаратди. XX асрнинг иккинчи ярмида эса постпозитивизм йўналиши пайдо бўлди.

- Постпозитивизм неопозитивизмнинг давоми сифатида шакллансада, унинг баъзи ғояларига қарши чиқди. Бу эмпиризм ва ҳаминдуктивизм ғоялари билан боғлиқ эди. Постпозитивизмнинг энг йирик вакиллари К.Поппер, Т.Кун, И.Лакатос ва Фейерабенд ҳисобланадилар.

II БОБ

МАНТИҚИЙ ПОЗИТИВИЗМДА ТИЛШУНОСЛИК

МАСАЛАЛАРИ

XX асрнинг бошларида мантиқий позитивизмнинг асослари ишаб чиқилди. Фалсафанинг асосий моҳияти тилнинг мантиқий таҳлилидан иборат ҳисобланди. XX асрнинг 30- йилларига келиб масала қизғин тус олдики, натижада фан ва фалсафа ўртасидаги чегаранинг ифодаси яққол намоён бўла бошлади. Улардан бири “Вена тўғараги” позитивистлари томонидан илгари сурилиб, бу қарашлар верификация принципига асосланар эди. “Вена тўғараги” аъзолари фан ва фалсафани тилга боғлиқ равишда ўрганиб, чуқур таҳлил этдилар. Кейинчалик айнан улар аналитик фалсафага асос солдилар.

1 § ВЕНА ТЎГАРАГИ ВА ТИЛ МУАММОЛАРИ

Мантиқий позитивизм ёки илмий эмпиризм концепцияси фан фалсафаси тарихида энг ривожланган тамойиллардан бири бўлган. Бу йўналиш доирасида шаклланган , кўп мунозараларга сабаб бўлган қатор муаммолар фаннинг кейинги ривожини белгилаб берган. Бундай муаммолар қаторига ҳақиқат муаммоси, илмий назария структураси, верификация ва башорат, фанда тушунтириш масалалари, айнан мантиқий позитивизм доирасида шаклланган муаммолар сирасига киради.

Кўпгина манбааларда, бу йўналиш номини Мориц Шлик билан боғлашадики, улар Витгенштейннинг таъсири остида ўз концепцияларини ишлаб чиқадилар.

Мантиқий позитивизм йўналиши фалсафий адабиётларда турлича номланган. Неопозитивизм, илмий эмпиризм, илмий фалсафа, фан учун ҳаракат, фан мантиғи, фан фалсафаси, фан ҳақида фан, аналитик фалсафа кабилар. О.А.Назарова бу йўналишни илмий фалсафа учун ҳаракат деб номлаган бўлардим, дейди ўз мақоласида, чунки бу метафизик

мушоҳадавий фикрлашдан қочиб, табиатшуносликнинг янги ютуқларини тушунишга қўйилган қадам сифатида баҳоланиши мумкин. Биринчи жаҳон уруши ва табиатшуносликдаги табиий илмий кашфиётларнинг очилиши бу йўналишни бироз сусайтирган бўлсада, тўхтата олмади. Урушдан кейин бу йўналиш яна авж олди. Уларнинг марказлари Австрия, Германия ва Польшага айланди. 1928 йилда Венада Европадаги биринчи илмий дунёқараш тамойили шаклланди. “Вена тўғараги” пайдо бўлди.

“Вена тўғараги” метафизика билан курашиш учун мантиқни танлади. Мантикий позитивизм Вена тўғараги аъзоси Г.Фейгглга тегишли бўлиб, у биринчи бор бу тушунчани 1931 йилда А.Блумберг билан қўшма равишда ёзган мақоласида Американинг интеллектуал жамиятини янги Европа фикри тараққиёти билан таништириш мақсадида ёзган мақоласида ишлатилади. 30 йилларга келиб, Вена тўғарагининг кўпгина вакиллари “мантикий эмпиризм” ёки “илмий эмпиризм” терминларини ишлатадилар. “Мантикий эмпиризм” ўша пайтдаги “Вена тўғараги”нинг қарашларини ифодалайди, лекин унинг барча тарафдорларини бутун Европа бўйлаб биллаштириш имкониятига эга бўлмайди. Умумевропа жамияти фақатгина илмий эмпиризм тамойили остида бирлашадики, унинг марказида ягона фан ғояси ва ягона фан энциклопедияси лойиҳаси ва халқаро ҳамкорлик бирлаша олди.

Шундай қилиб, интеллектуал миқёсдаги илмий фалсафа учун ҳаракат ташкилий руйхатдан ўтмасада, XX аср бошида мавжуд эди, унинг асосий вакиллари ўзларининг ғояларини ривожлантирар эканлар, ўз ғоявий дўстлари билан доимо алоқада бўлиб турганлар. Ҳар қайси давлатда бу йўналиш ўзича ном билан аталган, “Вена тўғараги ва мантикий позитивизм”, “Эмпирик фалсафа ва Берлин жамияти”, “Львов-Варшава мантикий мактаби” “Кембридж аналитик мактаби”, “Упсал мактаби ва ҳуқуқий реализм”. Лекин бу тадқиқотчилар ўзларини ғоядош деб фикрлаганлари сабабли 1930 йилдан “Вена тўғараги” сай-ҳаракатлари билан доимий равишда “ягона фалсафа учун” номи остидаги халқаро

конференцияларда учрашиб тура бошладилар ва турли қўшма лойиҳаларни тузадилар. Бу фаолият тўғарак вакилларининг Европадан АҚШга эмиграция бўлган пайтларда ҳам давом этади.

“Вена тўғараги” Мориц Шлик ташаббуси билан эмас, балки Эрнст Мах ташаббуси билан вужудга келган. 1883 йилда Мах ўзининг машхур тарихий танқидий тадқиқотини чоп эттиради. Унда Ньютон классик механикаси қаттиқ танқид остига олинади ва янги физика, жумладан, нисбийлик назариясининг асослари баён этилади. 1895 йилда Мах Вена университетига махсус фалсафа кафедрасини бошқариш учун чақирилади. 1900 ва 1905 йилларда Мах “Сезгилар таҳлили” ва “Билиш ва мулоҳаза” каби фалсафий психологик асарларида эмпириокритицизм назариясини баён этадики, бу назария XIX –XX асрнинг табиатшунослари ва физиклари томонидан тан олинган ягона илмий фалсафий концепцияга айланади.

1907 йилда турли фанларда изланишлар олиб боораётган ёш фан докторлари мантиқшунос ва математик Ганс Ган, физик Филипп Франк, социолог ва иқтисодчи Отто Нейрат, математика профессори Рихард фон Мизес Венадаги кафелардан бирида фалсафий муаммолар устида баҳс мунозаралар уюштирадилар. Бу баҳс мунозараларда биринчи бўлиб, Мах эмпириокритицизми кўтарилади. Ёш олимлар Европанинг нуфузли университетларида таниқли файласуфлар ва олимлар бошчилигида таҳсил олганини инобатга олсак, бу мунозараларда кескин баҳс юритилган. 1903-1908 йилларда уларнинг мақолалари соҳавий журналларда Австрия Фанлар академиясининг “Математика ва физика ойлиги” журналида, Германиянинг “Математик фанлар энциклопедияси”, “Вена университети фалсафий жамиятининг йиллик журнали”, Вильгельм Освальднинг “Табиий фалсафа тадқиқотлари” журналларида мунтазам равишда чоп этиб борилади.

1922 йлда Мах кафедрасининг мудирлиги Шлик раҳбарлигига ўтади. Ва Шликнинг ташаббуси билан анъанавий тус олган мунозаралар

университетга кўчирилади. Энди бундай мунозараларга биргина тўрт беш ёш олимлар эмас, балки нуфузли олимлар, аспирант ва докторантлар ҳам фаол иштирок эта бошлайди. Бундай учрашувлар доимий равишда пайшанба кунлари ўтказилиши давом этиб тўғарак аҳли кенгайиб, кўпайиб бораверади ва бу тўғарак ўз фаолиятини роппа- роса ўн икки йил олиб боради.

Фалсафий йўналишнинг янги ғоялари Ньютон физикасини танқид остига олган Мах ишларини ўрганишдан, уни таҳлил этишдан ва танқидий ёндашишдан вужудга келади.

Иккинчи янгича дунёқараш Пуанкаренинг конвенционализм ғояси билан боғлиқ бўлган бўлса, учинчи босқич ғоялар физикадаги XX аср бошида амалга оширилган кашфиётлар доирасида давом эттирилади.

1907 йилда Вильгельм Освальднинг “Табиий фалсафага кириш” номли журналида Ф.Франкнинг “Сабаб тамойили ва тажриба” номли мақоласида Вена тўғараги аъзоларининг фан ва фалсафа доирасидаги баҳс мунозараларига асосланган мақоласи чоп этирилади. Франк Мах ва Пуанкаренинг ғояларини умумлаштиришга ҳаракат қилади. “икки оғиз билан айтганда, Мах фикрича, фаннинг асосий қоидалари кузатилган фактларнинг иқтисодий тавсифлашни илгари сурса, Пуанкаре бўйича улар инсон тафаккурининг маҳсули ва кузатилган фактлар билан алоқада эмасдир. Бу икки нуқтаи назарни бирлаштиришга ҳаракат қилиш натижасида мантиқий эмпиризм вужудга келди.”

Агар Мах ва Эйнштейн физиканинг асослари ҳақида масалани кўйган бўлса, Готтлоб Фреге математика ва мантиқнинг асослари ҳақидаги масалани кўтариб чиқди.

1910-1913 йилларда Рассел ва Уайтхеднинг “Математика принциплари” нашрдан чиқади ва мантиқ борасидаги Фрегенинг, Пеано, Гильберт каби олимларининг тадқиқотлари чоп этилиб, янгича дунёқарашнинг тўртинчи босқичига замин яратди.

Шундай қилиб, Мах методологияси ва эмпиризми формал мантиқ ва аксиоматика, Пуанкаре коонвекционализми физикада янги кашфиётлар “Вена тўғараги”нинг янгича дунёқарашига асос бўлди. Шунингдек, 1907 йилдан тўғарак турли йўналиш ва фан олимларининг умумлашмаси бўлиб, барча ғоялар коллектив фанлараро мунозараларга сабаб бўларди.

1914 йилгача Франк, Ган , Нейрат , фон Мизес каби тўғаракнинг йирик вакиллари янгича дунёқараш асосида кўйидагиларни шакллантирдилар.

1. Табиий фанлардаги инқилоб шуни кўрсатдики, фан мустаҳкам эмпирик пойдеворга эга бўлиши лозим.

Айнан Франк Махнинг кашфиётида нисбийлик назарияси ва квант назарияси яратилиши асосларини кўрди. Франк фикрича, физика файласуфларга мурожаат этмасдан, ўз ғояларини ташкиллаши лозим. Эҳтимол буюк файласуфлар яхши олимлар ҳам бўлиб фан ривожини учун ижобий таъсирини ўтказганлар. Лекин XX аср файласуфлари физикларга янги нарсани айтган эмас. Улар фанда ишлатиладиган тушунчалар мазмунини тушунтириб бера олмадилар. Бундай ҳаракатлар фанни ичида амалга оширилиши лозим.

2. Замонавий фалсафада метафизика олиб ташланиши лозим.

3. Фан ўз-ўзини ҳақиқийлигини таъминлаши учун ўзи воситалар излаши лозим. Физика бунда ёрдам бериши керак.

4. Фандаги инқирозни олдини олишда мантиқ ва тўғридан-тўғри тажриба ёрдам беради.

Файласуф позитивистлардан яна бири янги позитивизмни шакллантиришда рол ўйнаган математик Ган бўлди. У тўғарак аъзоларига Фреге ва Расселдан тортиб, Уайтхеднинг формал мантигини етказишга ҳаракат қилди. Мантиқий илмий баҳсларда асосий урғу фан тилининг муаммоларига қаратилди.

Урушдан олдинги баҳс мунозараларнинг давом этиши 1922 йилда М.Шликнинг Вена университетида келиши билан яна қайта тикланди.

М.Шлик мантиқдан яхши таълим олган эди. Урушлараро даврда Шлик табиий фанлар ёрдамида фалсафанинг реформасини ишлаб чиқади. “Инсоннинг билиш қобилияти психологиянинг бир қисми бўла олмас экан, тилнинг ифодасига бориб тақалади. Билиш чегаралари ва ҳақиқийлиги ҳақидаги саволлар йўқолади. Ифода этилиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани билиш мумкин ва фақат шу асосда чуқур мулоҳазали саволлар бериш мумкин. Жавоб бериш мумкин бўлмаган савол йўқ, агар олдин шундай саволлар мавжуд бўлган бўлса, бу асл масала бўлмасдан бемазмун сўзлар тузилмасидир” Шликнинг бу фикрлари Витгенштейннинг асарлари таъсири остида билдирилганлигига шубҳа йўқ.

У ўз фикрини қўйидагича давом эттирар экан, унда гапларнинг товушлар тизими эканлигига урғу беради “тўғри улар саволларга ўхшаб қўриниши мумкин, чунки улар грамматик жиҳатдан тўғри тузилган аммо аслида улар бўш товушлардан иборат, чунки улар таҳлилнинг янги усули орқали қўлга киритилган мантикий синтаксиснинг ички қоидаларини бузади.” Худди шундай фикрлар асоси Витгенштейнда мавжуд бўлиб, у буни қўйидаги сўзларда баён этади, Биз гапдаги белгиларни (сезги идрок белгилари сифатида ёзма ва оғзаки) нарсаларнинг борлигини ифодалаш учун ишлатамиз”

Шлик Эйнштейн билан танишиб, биринчилардан бўлиб нисбийлик назариясини фалсафий тушунтириб беради. 1918 йилда Шлик ўзининг эмпиризмга асосланган билиш назариясини тақдим этади. Бу китоб табиатшунослик соҳасидаги энг яхши монографиялардан бўлиб, Мах, Гельмголтц, Больцман ва Пуанкаре изланишларининг давоми сифатида қаралиши мумкин эди.

Кечки мунозараларда Мах қарашларини таҳлил этиш давом этар, шу билан бирга Ган аъзолар учун махсус курслар ташкил этиб, Рассел ва Уайтхеднинг “Principia Mathematica” каби йирик ишларининг ғояларини тушунтиради. Фейгльнинг сўзларига қараганда “Ган биз учун жуда катта қийин ишни амалга оширди, у “формулалар упқони”дан фалсафий

маънони топиб берди. “Мен ҳозирга қадар ҳам Ганнинг Математика институтида доскага ёзиб тушунтирганларини ёдимдан чиқарганим йўқ деб эслайди.

1924-1925 йилларда Курт Рейдемайстер Витгенштейннинг “Мантикий фалсафий рисола” асари асосида маъруза қилади ва бу билан Ганнинг ҳам эътиборини тортади. Шундан сўнг Ган Витгенштейннинг “Рисола”га фалсафа ва мантиққа қўшган ҳиссасини ва мантиқнинг ахамиятини тушунтириб берувчи фундаментал матн сифатида баҳо беради. Семинар иштирокчилари Витгенштейннинг бу асарини ўқиб таҳлил этадилар.

Вена университетига Карнап бошчилик қила бошлагандан кейин тўғарак аъзолари ҳам Витгенштейннинг “Мантикий фалсафий рисоласи” ҳамда Карнапнинг “Дунёнинг мантикий манзараси” номли асарлари билан бирдай таниша бошладилар.

Нейратнинг гапига қараганда, Карнап ёрдамида “Вена тўғараги”нинг ичқи ривожланиши юз беради. У тўғаракнинг асосий мавзуси сифатида тил муаммосини киритди ва мантиқни бунда асосий қурол қилиб олганлигини айтади.

Венада ишлаган дастлабки йилларда Карнап барча тўғарак аъзоларини Витгенштейн асарини тизимли ўрганишга эришади. У иккинчи ўқишларга бошчилик қилади. Карнапнинг айтишича, “Вена тўғараги”да Витгенштейн асари овоз чиқариб ўқилган ва таҳлил этилган. Кўпинча жўда кўп ўйлашга тўғри келар, маънони аниқлаш қийин кечарди. Ўша пайтда ёрқин фикрлар орқали тушунтириб бўлмас эди. Аммо тушунганимизни қизғин таҳлил этар эдик” деб ёзади Карнап.

Бу иш метафизик фикрлардаги мазмуннинг йўқлигини очиб берди. Бир томондан “Рисола” метафизикани киритган бўлса, иккинчи томондан у фалсафани танқид қилиш учун тил таҳлилидан фойдаланди.

Янги позитив, яъни позитив фалсафа тажрибалардан олинган далилларга таянишни билдиради. Ва шунинг учун ҳақиқийдир. Позитив ёндашув иккита туб ўзгаришларни таклиф этади.

Фан соҳасида метафизик тушунчалардан (сабаб ва ҳодисаларнинг моҳиятига етиш) воз кечиши лозим. Фан тушунтирмайди. Фақатгина ҳодисаларни тасвирлайди. Ким учун эмас, балки қандай саволига жавоб беради. Позитивизм метафизик изланиш баҳс ва тортишувлардан воз кечади. Борлик, материя, онг, моҳият каби тушунчаларни рад этади. Чунки уларни бевосита илмий эксперементлар натижаларига эмас, фикрлаш ҳамда мулоҳазаларга таянади. Тажрибага асосланган тажриба йўли билан олинган билимлар ҳақиқийдир, қолганлари ёлғон.

Витгенштейннинг ижоди иккига ажралади. Биринчи ўринда бу тилни тушуниш ва таҳлил методига боғлиқ. Витгенштейн ижодининг иккинчи босқичида унинг ўзи “Рисола”даги фикрларга танқидий ёндашади. Шунга қарамасдан, унинг икки ижодида ҳам ўзига хослик сақланади. У тил шундай методологик аппарат бўлиши керакки, у фалсафий муаммоларни ёрқин тушунтира олиши ва уларни йўққа чиқариши лозим. Ижодининг биринчи босқичида Витгенштейн мантикий таҳлилга алоҳида урғу берган бўлса, иккинчи босқичида тилнинг таҳлили унинг маъносини ўзгартиришига шубҳасиз ишонади. Масалан, супурги бу икки унсурдан иборат бўлган бутунликдир. Лекин унинг маъносини битталаб таҳлил қилсак мазмун ўзгаради. Масалан, менга супургини олиб кел, дегани қўл ва щеткани олиб кел дегани эмас. Сенга супурги керак экан, сен нега ундай тарзда айтаяпсан, деган фикрни келтириб чиқаради.

Кечки Витгенштейн тил ифодалари учун бошқа усулни ишлаб чиқади. Метод шундан иборатки, ҳаммага таниш бўлган нарсани кўрсатиб эътибордан четда қолган фактларни тил ифодалари ёрдамида кўрсатишдир. Бундан баъзи фалсафий таъкидларнинг нотўғрилиги кўриниб қолиши лозим. Бунга боғлиқ муаммолар ўз ўзидан тушиб қолади. Инсон

енгилликни ҳис қилади. Фалсафий таҳлилнинг вазифаси амалга ошган бўлади.

Витгенштейн фалсафа назария эмас, балки, бизнинг фикрларимиз ва ифодаларимизни аниқлаштириш фаолиятидир. Витгенштейн ўз маърузасини тинглаганларга ҳеч қандай янги ҳақиқат бера олмаслигини айтар эди. У фақат методни бериши мумкин. Метод ўта дискриптив бўлиб, у барча жарёнларни тавсифлашдан иборат. Бундан ҳеч қандай ички моҳият очилмайди. Витгенштейннинг фикрлари унинг Людвиг Витгенштейн сифатида тил ҳақида нимани уйлаётгани эмас, балки биз тил эгаларини нимани билишимизни тил кўрсатишини айтади.. Шунинг учун Витгенштейн фалсафий аргументлаштириш ҳеч қандай махсус соҳа билимларни билишни талаб этмайди.

Ҳар қандай факт аҳамиятга молик бўлиши ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин. Атомар фактлар бир-бири билан боғлиқ эмас демак, бир бирига қонуниятлар асосида боғланган боғлиқлар йўқ.

“Кўпгина фикр ва саволлар фалсафий муаммолар ҳақидаги ёлғон эмас, балки беъманидир. Шунинг учун биз бундай саволларга жавоб бера олмаймиз. Биз фақат уларнинг бемаънилигини аниқлашимиз мумкин. Тилга шундай метод яратилиши керакки, унинг баъманилиги ўз-ўзидан кўриниб қолиши керак.

Фалсафа ҳақида фикр билдирар экан, Витгенштейн буни қўйидагича изоҳлайди. Фалсафий муаммолар борасидаги фикр ва саволлар ёлғон эмас балки бемазмундир. Биз бундай саволларга жавоб бера олмаймиз. Биз фақат унинг бемазмунлигини аниқлашимиз мумкин. Файласуфларнинг кўпгина фикрлари ва саволлари тил мантиғини тушунмасликдан келиб чиқади. Шунинг учун энг чуқур муаммолар аслида муаммо эмас.

Бутун фалсафа тил танқиди ҳисобланади.

Шлик фалсафани қўйидагича тушунтиради “Фалсафа нима?: Албатта бу фан эмас, лекин бу билан биз унинг аҳамиятини тушириб қўймоқчи эмасмиз. У олдингидек фанлар шоҳи сифатида қолаверади . Чунки ҳеч

каерда “Фанлар шоҳи” фан бўлиши керак, деб ёзиб қўйилмаган. Бугунги бурилиш фалсафани билиш тизими сифатида эмас, фаолият тизими сифатида кўрсатади. Фалсафа шундай фаолиятки, у фикрларнинг ахамиятни аниқлайди. Фалсафа орқали гаплар тушунтирилади. Фанлар орқали верификация қилинади. Фанлар гапларнинг ҳақиқийлиги билан шуғулланади. Фалсафа эса у нима мазмунни англатиши билан иш кўради. Фаннинг мазмуни, руҳи ва қалби унинг гаплари нима маъно англатиши билан боғлиқ мазмунни белгилашда илмий билишнинг альфа, омегаси бўлган фалсафий фаолият ҳисобланади. Фалсафа фан биносининг асосини ташкил этишини олдингилар ҳам билганлар, аммо улар шунда янглишадиларки, асос билиш назариясини ташкил этган фалсафий фикрлардан эмас, метафизика деб ҳисобланган фалсафадан иборат бўлган.

Бошланғич пайтда протокол гаплар деганда оддий фактлар тушунтирилар эди. Бундай фактлар билан ҳар қандай фан шуғулланади. Ҳақиқий бўлмаган фактлар ҳақида гапириш бемаънидир. Бизнинг мулоҳазаларимиз, бизнинг билимларимизгина ҳақиқий бўлмаслиги мумкин. Шундай экан, биз фактларни протокол гапларда ифодалай олсак, билимининг бошланғич нуқтасига эга бўламиз. Албатта, биз ҳаётда ва фанда бундай фикрлардан фойланамасакда, улар бизнинг билишимизнинг асосини ташкил этади.

2 § ПОЗИТИВИЗМ ВА АНАЛИТИК ФАЛСАФА

Аналитик фалсафа XX аср фалсафасида фалсафий муаммоларни тил доирасида ҳал қилишга асосланган ғарбий йўналиш бўлиб ҳисобланади. Неопозитивизм билан аралашиб кетади. Аналитик фалсафанинг назарий концептуал томонларига Сократ индуктив схемалари, Платон диалектикаси, Аристотел аналитикаси софист ва стоикларнинг семантик изланишлари, У.Оккам ва И.Д.Скотнинг мантикий семантик қарашлари

Ф.Беконнинг ”бозор идоллари” тўғрисидаги ғоялари, Ж.Локкнинг тушунчалари пайдо бўлиши тўғрисидаги ғоялари, Р.Декартнинг фалсафий тафаккур тўғрисидаги фикрлари, И.Кантинг концептуал тажриба ва илмий билиш объектини лойиҳалаштириш тўғрисидаги фаразлари киради.

Аналитик фалсафа йўналиши асосан АҚШ, Буюк Британия, Скандинавия мамлакатлари, Австралияда кенг тарқалган бўлиб, унинг асосчиси Б.Рассел ҳисобланади. У “мантикий атомлар” муаллифи ҳамдир. Б.Расселнинг шу концепциясига асосланиб ўз аналитик методларини ишлаб чиққан. Бу методларнинг мақсади “мантикий атомлар” концепциясига асосланиб, зиддиятсизлик хусусиятига эга бўлган фалсафий ва мантикий назарияни яратиш мантиқ тили билан тажриба мазмунли фан тили ўртасидаги ҳамоҳангликни кўрсатиб беришдан иборат. Аналитик фалсафа ичида икки оқимни ажратиш мумкин.

1. мантикий таҳлил қилиш воситаси; таҳлил воситаси сифатида замонавий математик мантиқ аппаратида фойдаланади.

2. лингвистик фалсафа оқими, унга кўра таҳлилнинг мақсади тил ифодаларини аниқлаштиришдан иборат.

Аналитик фалсафанинг ривожланишида Австрия файласуфи Л.Витгенштейннинг “Мантикий фалсафий рисола” номли асари муҳим аҳамият касб этади. Аналитик фалсафанинг кенг тарқалиши натижасида неопозитивизм атамаси сиқиб чиқарила бошланди.

Аналитик фалсафа XX асрда мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу тажриба йўли шундан далолат берадики, тил муаммоларининг тадқиқоти бу ерда доимо диққат марказда туради. Бу фалсафий таълимотни амалга оширишда тил муаммоларининг фундаментал аҳамиятини англаш баъзи фалсафий муаммоларни ҳал этиш ва маданиятни белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Шу билан бирга лингвофалсафа эволюциясида аналитик фалсафанинг анаъналари шуни кўрсатдики, тил ғояларини англаш мураккаб ўзича қарама-қарши табиатга эга бўлиб турли парадигмалар,

программалар версия ва концепцияларнинг ҳар бирида тил ўзининг конкрет таҳлилини кўрсатади.

Лингвистика эволюция моделидаги аналитик фалсафа анъанасига кўра уч турдаги босқични кўрамиз.

- 1.Классик аналитик;
2. неоаналитик;
- 3.постаналитик.

Мумтоз аналитик шакл фалсафани тил таҳлили фаолияти билан боғлайди. Неоаналитик шакл тилнинг экспликатив назариясини қуриш билан ифодаланади. Постаналитик шакл тилнинг синтетик концепцияси сифатида намоён бўлади.

Мумтоз аналитик шакл икки парадигмани ўз ичига олади: идеал тил парадигмаси ва ишлатиладиган тил парадигмаси, улар мантиқий ва лингвистик таҳлил методларини қамраб олади. Биринчи парадигмага асосан иккита дастур ишлаб чиқилади. Улар фалсафага тил ёндашуви билан фарқланади. Биринчи дастурда Расселнинг профилактик фалсафа тили концепцияси ётади. Унга кўра, тил тадқиқоти ёрдамчи воситаси сифатида намоён бўлса, фалсафа метафизик табиатга эга бўлиб қаралади. Иккинчи дастур танқидий антиметафизик ҳисобланиб, Витгенштейн ижодининг илк қарашларини ва мантиқий позитивизм назарияларини ўз ичига олади. Унга асосан фалсафа тил таҳлилидан четга чиқмайди.

Идеал тил ғояси Фреге томонидан ишлаб чиқилиб тилнинг туб ва юзаки қарашлари тезиси тил грамматикасига қаратилган эди.. Идеал тил тезиси мантиқий мукамал тил сифатида мумтоз аналитик фалсафанинг асоси бўлди. Рассел Фрегенинг мантиқий грамматик ғоясини фалсафий грамматика ғоясига айлантириб юборди. У бир томондан, гап шакли билан иш кўрса, иккинчи томондан, реалликни кўрсатиб берувчи элементларни кўрсатиб беради. У реаллик элементларини излар экан, фалсафа Расселнинг фикрича фандан фарқ қилмайди.

Фрегенинг идеал тил концепцияси Расселнинг порфилактик тил тезиси Витгенштейнинг илк тил концепцияларида акс этди. Унингча идеал тил бизнинг барча концептуал тизимимизнинг кодланган нусхасини ташкил этиб, тафаккур чегараси тил чегарасининг белгилайди. Шундай қилиб Витгенштейн фалсафаси тил танқиди ҳисобланади. Шунинг учун Витгенштейннинг “Мантикий фалсафий рисола”сида фалсафани янгича тушуниш ётадики, унга кўра метафизик ҳақиқатлар инкор этилди. Бу ҳулоса икки хил ёндашувни келтириб чиқаради: лингвистик пуризм ва “дунёнинг илмий манзараси”.

Витгенштейн учун тил концепциясининг верификацион назарияси аҳамиятга эга бўлиб, мантикий позитивистлар антиметафизик ғояни ишлаб чиқишадики, у аналитик фалсафада кенг аҳамият қозонади. Унга кўра ягона аҳамиятли билим биз билишимиз мумкин бўлган илмий билимлар; формал (мантикий, лингвистик, математик) ёки фактуал (кузатиш ва эмпирик) билимлар билан қўшилган.

Аналитик фалсафа замонавий фалсафий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу фалсафа англа саксон фалсафаси сифатида кирган бўлсада бугунги кунда бу борада қатор мамлакатларнинг файласуфлари чуқур изланишлар олиб бормоқда. Ва бугунги кунда бу фалсафа халқаро миқёс касб этади. Кўпгина мутафаккирлар бу фалсафий йўналишни профессионал фалсафа билан боғлайдиларки, унда фалсафий фаолиятнинг турғун тизими жойлашган бўлиб бу турғунлик унинг рационалиги ва фалсафий жиддийлигида кўринади. Аналитик фалсафа мумтоз фалсафанинг муаммолари билан бир қаторда замонавий муаммоларни ҳам ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Узоқ вақт давомида аналитик фалсафа неопозитивизм сифатида мавжуд бўлиб келди. Ва унинг аҳамиятини белгилаб берди. Аналитик фалсафани шунинг учун ҳам тил ҳақидаги қарашлари неопозитивизм ва постпозитивизм тизимига сингиб кетади. Шундай бўлишига қарамасдан бугунги кунда кўпгина неопозитивистларни аналитикларга кўпгина аналитикларни файласуфлар

каторига қўшишимиз мумкин. Аналитик фалсафанинг асосида тил масалалари ётади. Биз юқорида айтганимиздек, баъзи файласуфлар тил фалсафасига фундаментал баҳо берадилар. Уларнинг фикрича, барча фалсафий фанлар иерархик пирамида сифатида жойлашар экан, уларнинг асосида тил фалсафаси ётади. Бунга асос сифатида аналитик фалсафадаги туб бурилишни лингвистик бурилиш сифатида кўрсатишади. Аналитик файласуфларнинг фикрича, тил фалсафий муаммолар билан ҳеч қандай алоқадорликда бўлмай автоном табиатга эга. Бу ҳолат неопозитивизмнинг постпозитивизмга ўтишини белгилабгина қолмасдан, лингвистик фалсафадан янги мантиқий лингвистик тадқиқотларга йўл очади. Замонавий аналитик фалсафанинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири мантиқий усулларнинг тилда унумли қўлланилиши ҳисобланади.

Мантиқий позитивистларнинг методологик концепциясининг асосини қўйидагилар ташкил этади:

1. Ҳар қандай билим, сезгилар орқали олинган билимдир.

Витгенштейн буни “атомар фикрлар” билан белгилаган бўлса, “Вена тўғараги” аъзолари буни сезгилар билан боғладилар. Чунки сезгилар бизга берилган бўлиб, биз улар ҳақида тўлақонли фикр юрита оламиз. Витгенштейнда фактлар калейдаскопи мавжуд бўлса, мантиқий позитивистларда сезгилар калейдаскопи мавжуд. Сезгилардан ташқари рееллик йўқ. Ҳар ҳолда биз у ҳақда “ҳеч нарса” дея олмаймиз. Демак, ҳар қандай ҳақиқий билим фақатгина сезгиларга бориб тақалади.

Бу борада мантиқий позитивистлар Э.Махдан яна бир қадам олдинга қўйдилар. Айнан Мах ташқи дунё ва сезгилар ўртасидаги тафовутни бузишга ҳаракат қилган эди. Унинг фикрича, “бутун ташқи ва ички олам унча кўп бўлмаган бирликлардан иборатдир” Дунё тузилган элементлар ҳам физик ҳам психологик томонларни ўзида бирлаштиради. “Физик ва психик олам ўртасида бўшлиқ йўқ, ҳеч қандай ташқи ва ички олам йўқ, ҳеч қандай ташқи ифодаланадиган туйғу йўқ. Фақат бир даражали элементлар мавжуд, улардан ташқи ва ичкилик тузилади, улар ташқи ва ичкига фақат

вақт нуқтаи назаридан бўлиниши мумкин. Мантикий позитивистлар физик дунё ҳақидаги ғояларни “метафизик” сифатида инкор этдилар. Ва ягона билиш объекти сифатида сезгиларни қолдирдилар. Албатта Мах бу ерда ташқи олами Кант айтганидек, нарса ўзида сифатида борлигини ва у бизнинг билишимиздан ташқари эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

2. Нимаки бизга сезгида берилса, биз уни мутлақ ҳақиқий била оламиз. субъектнинг сезгиларини ифодалар эди. Витгенштейнда гап структураси факт структураси билан тўғри келди ва шунинг учун ҳақиқий фикр абсолют ҳақиқий ҳисобланди. У нафақат нарсаларни тўғри тавсифлар, балки ўз структурасида нарсаларнинг моҳиятни ҳам кўрсата олар эди. Мантикий позитивистлар атомар фикрларни протокол фикрларга алмаштирдилар. Протокол фикрлар моҳиятини тўғри қилиб кўрсатади. Протокол фикрнинг ҳам ҳақиқийлиги субъект учун мутлақдир. Ҳақиқатан ҳам “Мен ҳозир очман” ёки “мен ҳозир оғриқ сезаяпман” деган фикрлар ҳақиқатан ҳам бизнинг оч эканлигимизни ёки оғриқнинг ҳақиқий бўлганлигини кўрсатиши мумкин.

Бу ерда Вена тўгараги аъзолари эмпиризм ва позитивизм йўлидан кетдиларки, улар учун эмпирик билимлар қадрли эди. Барча соғлом фикрлаётган одамлар Бекон давридан бошлаб кузатишга асосланган билимларнигина ҳақиқий ҳисоблайдилар.

3. Барча билимларнинг вазифаси тавсифлашдан иборат.

Агар дунё сезгилардан иборат комбинация бўлса, демак бу сезгиларни тавсифлашдан бошқа нарса эмас. Тушунтириш ва башорат этиш йўқолади. Ҳис туйғуларни тушунтириш ташқи олами тушунтириш билан баробар. Мантикий позитивистлар эса ташқи дунё ҳақида сўзлашни инкор этадилар. Башорат ҳолатларнинг алоқадорлиги ва сабабларни билишга излашга қаратилади. Мантикий позитивистлар буни ҳам инкор этадилар. Шундай қилиб фақат ҳолатларни тавсифлаш, нима учун деган саволга эмас, қандай деган саволга жавоб беришгина ўринлидир.

Вена тўғараги аъзолари шу тарзда фалсафани умуман четга чиқариб ташлашга эришдилар. Аммо уларнинг ғоялари олдинги файласуфларнинг ғояларига ниҳоятда ўхшаш эди. Масалан О.Конт “ Ҳақиқий позитив рух бирламчи ва иккиламчи сабабларни ахтармасликдан, нима учун эмас, қандай деган саволга жавоб беришдан иборат”¹

Э.Мах эса фан идеалини тавсифлашдан иборат деб билар экан, “балким бу идеал биргина фактлар соҳасига тўғри келади. Тавсифлаш изланиувчининг ҳамма эҳтиёжини қондира оладими? Менимча, ҳа! Тавсифлаш фикрда фактларни тизимга солиш ҳисобланиб тажрибавий билимларда асосий ролни ўйнайди. Бизнинг фикримиз факт билан деярли бир хилдир улар бир бирини ўрнини боса олади.”²

Бу принциплардан Вена тўғараги аъзоларининг бошқа ғоялари ҳам келиб чиқади. Биринчидан, улар анъанавий фалсафани инкор этадилар. Кўпчилик файласуфлар уларнинг бу қарашларини “Вена тўғараги”нинг ўзига хослигига йўядилар. Аммо улар бу борада О.Контнинг ортидан эргашдилар. Фалсафа доим сезгилардан ташқари бўлган ҳолатлар ҳақида гапиради. субъективликдан ташқарига чиқиб объективликка қараб кетади. Мантикий позитивист эса сезгилардан ташқари бўлган ҳолатни инкор этади ёки у ҳақда ҳеч қандай фикр билдирмайди. Икки ҳолатда ҳам фалсафа кераксиз ҳисобланади. У фақат бир нарсада керак, у ҳам бўлса илмий фикрларни таҳлил этишда. Шунинг учун улар фалсафани тилнинг мантикий таҳлили сифатида қўришди.

Уларнинг фикрича, барча фалсафий ва методологик муаммоларни тил муаммолари сифатида кўрсатиш мумкин. Бу билан улар катта аниқликни қўлга киритиш мумкин деб ҳисобладилар.

Барча фанларнинг асосида протокол фикрлар ётадики, улар субъектнинг сезгилари билан алоқадор. Бундай фикрларнинг ҳақиқийлиги аниқ ва шубҳасиздир. Бундай протокол фикрларнинг умумийлиги фаннинг

¹ Родоначальник позитивизма Акп. 4 СПб 1912 1913 С. 81

² Мах Э. Популярнонаучные очерки СПб 1909 С.196

эмпирик базасини ташкил этади. Мантиқий позитивистлардан назарий ва амалий билимлар ўртасида қатъий чегара бор. Лекин уларнинг кўпчилиги протокол фикрлар каби сезгилар ҳақидадир. Шунинг учун ҳар қандай илмий фикрни протокол фикр билан редукциялаш мумкин. Барча протокол фикрларнинг ҳақиқийлиги илмий фикрларга ҳам тегишли бўлиб, фан ҳақиқий фикрлардан ташкил топгандир.

Мантиқий позитивистларнинг нуқтаи назарига кўра олимнинг фаолияти икки омилга боғлиқ бўлиши лозим.

1. янги протокол гапларни тузиш,
2. бундай фикрларни умумлаштириш ва қўшиш усулларини ишлаб чиқиш.

Илмий назария худди пирамидига ўхшатилади. Унинг чуққисида асосий тушунчалар, пастроқда аксиомалар жойлашиб бутун пирамида протокол фикрларнинг умумлашмаси ҳисобланарди. Протокол фикрлар кўйидаги хусусиятларга эга эди.

А) улар соф сезгиларга асосланади.

Б) улар абсолют ҳақиқий бўлиб, уларнинг ҳақиқийлигига шубҳаланиш мумкин эмас.

В) протокол фикрлар бошқа билимларга нисбатан нейтрал ҳисобланади.

Г) гносеологик нуқтаи назардан улар бирламчидир. Билиш айнан шулардан бошланади. Шу нарса аниқки, билиш кундалиқда ҳам илмийда ҳам фактлар констатациясидан бошланади ва протокол фикрлар констатация каби фаннинг бошида туради.

Протокол гапларнинг шакли қандай бўлади деган саволга мантиқий позитивистлар аниқ жавоб бермас эдилар. Р.Карнапнинг фикрича, бу гаплар сезгиларга асосланган сўзларни ифодалашдан иборат бўлиши лозим деб ҳисобланган бўлса, О.Нейратнинг фикрича, протокол фикрнинг ўзига хослиги унинг констатациясида, М.Шлик эса бундай гаплар “ҳозир” ва “шу ерда” деган маънони англатади, деб ҳисоблайди.

II БОБГА ДОИР ХУЛОСА

Мантикий позитивизм йўналиши фалсафий адабиётларда турлича номланган. Неопозитивизм, илмий эмпиризм, илмий фалсафа, фан учун ҳаракат, фан мантиғи фан фалсафаси, фан ҳақида фан, аналитик фалсафа кабилар. Мантикий позитивизм ёки илмий эмпиризм концепцияси фан фалсафаси тарихида энг ривожланган тамойиллардан бири бўлган. Бу йўналиш доирасида шаклланган , кўп мунозараларга сабаб бўлган қатор муаммолар фаннинг кейинги ривожини белгилаб берган. Бундай муаммолар қаторига ҳақиқат муаммоси, илмий назария структураси, верификация ва башорат фанда тушунтириш масалалари, айнан мантикий позитивизм доирасида шаклланган муаммолар сирасига киради.

Кўпгина манбааларда, бу йўналиш номини Мориц Шлик билан боғлашадики, улар Витгенштейннинг таъсири остида ўз концепцияларини ишлаб чиқадилар.

Бу пирнциплардан Вена тўғараги аъзоларининг бошқа ғоялари ҳам келиб чиқади. Биринчидан, улар манъанавий фалсафани инкор этадилар. Кўпчилик файласуфлар уларнинг бу қарашларини Вена тўғарагининг ўзига хослигига йўядилар. Аммо улар бу борада О.Контнинг ортидан эргашдилар. Фалсафа доим сезгилардан ташқари бўлган ҳолатлар ҳақида гапиради, субъективликдан ташқарига чиқиб объективликка қараб кетади. Мантикий позитивист эса сезгилардан ташқари бўлган оламни инкор этади ёки у ҳақда ҳеч қандай фикр билдирмайди. Икки ҳолатда ҳам фалсафа кераксиз ҳисобланади. У фақат бир нарсада керак, у ҳам бўлса илмий фикрларни таҳлил этишда. Шунинг учун улар фалсафани тилнинг мантикий таҳлили сифатида қўришди.

Уларнинг фикрича, барча фалсафий ва методологик муаммоларни тил муаммолари сифатида кўрсатиш мумкин. Бу билан улар катта аниқликни қўлга киритиш мумкин , деб ҳисобладилар. Аналитик фалсафанинг асосида тил масалалари ётади. Биз юқорида айтганимиздек, баъзи файласуфлар тил фалсафасига фундаментал баҳо берадилар.

Уларнинг фикрича, барча фалсафий фанлар иерархик пирамида сифатида жойлашар экан уларнинг асосида тил фалсафаси ётади. Бунга асос сифатида аналитик фалсафадаги туб бурилишни лингвистик бурилиш сифатида кўрсатишади. Аналитик файласуфларнинг фикрича, тил фалсафий муаммолар билан ҳеч қандай алоқадорликда бўлмай автаном табиатга эга. Бу ҳолат неопозитивизмнинг постпозитивизмга ўтишини белгилабгина қолмасдан, лингвистик фалсафадан янги мантиқий лингвистик тадқиқотларга йўл очади. Замонавий аналитик фалсафанинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири мантиқий усулларнинг тилда унумли қўлланилиши ҳисобланади.

III БОБ

ПОСТПОЗИТИВИЗМДА ТИЛ ВА ФАЛСАФА МАСАЛАЛАРИ

III бобда позитивизмнинг кейинги босқичлари ва унинг тилшуносликдаги аҳамияти ва роли кўриб чиқилди. Унинг тил ва маданиятда тутган ўрни ҳақида мулоҳаза қилинди. Постпозитивизм неопозитивизм биландеярли бир даврдашакланган йўналишлардан бири ҳисобланади. Аммо у неопозитивизм ёки бошқача қилиб айтганда мантикий позитивистлардан ўз карашлари билан фарқ қилади. Постпозитивизмнинг йирик қакиллариға К.Поппер, Т.Кун, И. Лакатос кабилар киради. Бу бобда биз уларнинг тил ва фалсафадаги изланишлари асосларини таҳлил қиламиз.

1 § ПОСТПОЗИТИВИСТИК ДУНЁҚАРАШ ВА ИЛМИЙ ҒОЯЛАР

Позитивистик дунёқараш бугунги дунёда ниҳоятда оммабопдир. Саноатлашган ва технократлашган жамиятда яшайдиган одамларнинг кўпчилиги позитив тизим қадриятларини тан оладилар. Уларнинг фикрича, глобал ва дунёвий муаммолар уларнинг кундалик ҳаётлари билан ҳеч қанай боғлиқликка эға эмас. Ҳақиқатан ҳам офисда компьютерда, заводда станокда, дуконда савдода, ёки фермада ишлаб турган инсон учун Коинотнинг пайдо бўлиши ,диннинг вужудға келганлиги, келажакнинг қандай йўсинда бўлишини билиш шарт эмас. Лекин билишға позитивистик ёндашув баъзи бир файласуфларнинг қаршилигига ҳам сабабчи булади. Чунки инсон ҳар қандай ҳаракатни бажаришдан олдин фалсафий мушоҳадаларға таянади ва ундан қочиб кета олмайди. Инсон диндор бўлиши ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин аммо динға ҳеч қандай фикр билдирмаслиги мумкин эмас. Чунки ҳар бир инсон у ё бу ҳолатда худоға ишонишидан қатъий назар дин диний масалалар ва эътиқод қилиувчиларға нисбатан қандайдир муносабат ҳосил бўлади. Инсоннинг ҳар қандай

фаолияти ортида унинг қадриятлари унинг ўзи ва бошқа атрофидагиларга нисбатан ,мақсадлар ва мазмунга нисбатан фикр ва мулоҳазалар мавжуд бўлади. Инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар ўз навбатида табиат ва маданият олами билан узвий боғлиқ. Илмий билиш имкониятларига чегара қўйишга уринишларни Махнинг “тафаккурни тежаш” принципида, Пуанкаренинг конвенционализмида, Поппернинг фальсификация, Вена тўғрагининг верификация тамойилларида, Куннинг парадигмасида қўришимиз мумкин. Қўйида биз бу тамойилларни қисқача тавсифлаймиз.

Юқорида айтганимиздек, илмийликка қатъий чегара қўйишга уринишлар, XX асрнинг бошига келиб асосий муаммога айланди. Тўғри, биз юқорида уларнинг антик даврдан бошланганлигини айтиб ўтдик. XX асрга келиб эса бу муаммо янгича қиёфа касб эта бошлади. К.Поппернинг фикрича, бу муаммо Кант давридаёқ “билиш назариясининг асосий муаммоси”га айланган эди ва унда индукция муаммоси сингари эпистемологик муаммолар манбаи яширинган.”¹ Поппер чегарани белгилашни асосий мақсад ҳисоблади. “Бир томондан эмпирик фанлар, иккинчи томондан Математика, Мантиқ фанлари билан Метафизик тизимлар ўртасида бўлган Чегарани аниқлашни мен демаркация муаммоси деб ҳисоблайман.”²

Уларнинг асосий мақсади рационалликнинг ўрнини белгилаш ва уни маданиятнинг ва тафаккурнинг барча соҳаларига тадбиқ этишдан иборат бўлиб, Ҳақиқатга қарши қаратилган эди. Шундай бўлсада, бу даврда фаннинг чегаралари ҳали аниқ қуйилмаган, Спенсер фанни табиий қонуниятлар сифатида тушуниб ,”... ҳеч қаерда мана бу ерда фан бошланади, дея кўрсатиб бўлмайди”³ дейди.

Бундай уринишларнинг биринчиси Э.Мах томонидан илгари сурилди. У “Тафаккурни тежаш” принципи орқали фанни фақат

¹ Поппер . Логика научного открытия. С. 35

² Поппер .К.Р.Логика научного открытия.Указ. соч. С.55

³ Спенсер Г. Основные начала. СПб., 1899. С. 10.

тавсифловчи бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ривожланган фанда изоҳлашнинг кераги йўқ, фан фақат воқеаларни тавсифлашдан нарига ўтмаслиги керак. Бу билан Мах Юм ва Берклининг изидан кетди.

Махнинг фикрича, физик тушунчалар нарсаларнинг асл моҳиятини очмайди, чунки улар субъектив. Бу даврда вужудга келган яна бир йўналиш конвенционализм деган ном олди. Унинг вужудга келишига табиий билимларни назарий тусга эга бўла бошлагани, илмий тушунчалар назариялар, қонунларнинг шаклланиши ва олимларнинг бир қарорга келган ҳолда иш юритиши лозимлиги сабаб бўлди. Конвенционализм (лот.conventio – келишув) фалсафий концепция бўлиб, илмий назариялар объектив оламнинг инъикоси эмас, балки олимларнинг келишуви сифатида намоён бўлиши тушунилди. Конвенционализмнинг йирик вакили ва асосчиси француз математиги ва фан методологи А. Пуанкаре (1854-1912), нарсалар ўртасидаги алоқадорликни нарсалар моҳиятидан фарқлади. Алоқадорликни англаса бўлади, нарсалар табиати ва моҳиятини йўқ. «Нарсалар табиатини бизга нафақат фан балки бошқа бирор нарса ҳам очиб бера олмайди. Агар бу нарсани худо билганида ҳам, у буни изоҳлаш учун сўз топа олмаган бўларди».¹

Томас Куннинг фалсафасида асосий ўринни парадигма концепцияси эгаллайди, парадигма бу илмий изланишларнинг, биринчи навбатда илмий умумлашманинг, маълум бир вақтда қўйилган назариянинг умумлашмаси ҳисобланади. Бунда Кун қонун ва принципларда акс этган билимларнигина назарда тутмайди. Олимлар, парадигмани яратувчилар, бир назария ва қонунни ишлабгина қолмасдан, муаммоларни қандай ечиш кераклигини ҳам кўрсатади, яъни улар маълум илмий тадқиқотнинг вазифаларнинг асосини, унинг намунавий дастурини ва стандартларни ишлаб чиқади. Масалан, Ньютон ёруғлик корпускуляр назариясини ишлаб чиқиш билан бирга қуёш ёруғлигининг мураккаб

¹ Пуанкаре А. «О науке». М., 1983. С. 277.

тузилишга эга эканлигини кўрсатди ва шу билан уни қандай аниқлаш мумкинлигини изоҳлаб берди. Парадигма илмий тадқиқотнинг бажарилиши учун маълум фан соҳасида намуналар беради. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Кун дунёнинг маълум кўринишини аниқлар экан, парадигма фақат шу асосдаги муаммоларни ёритади. Бу айланага кирмай қолган муаммолар парадигма тарафдорлари учун муҳим ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, фан инсоният дунёсидаги ҳамма нарсани тадқиқ этиши мумкину, лекин бу тадқиқот ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ўзига хослик ҳам чегараланганликни, ҳам имкониятлар кенглигини кўрсатади. Чунки инсон ўзини англайдиган., фаолият юритадиган эркин иродага эга шахс бўлиб, ҳам объект, ҳам субъектдир. Айнан шунинг учун унинг субъектив борлигидаги ҳамма нарсани илмий билимлар орқали тушунтириб бўлмайди. Бу билан антисциентизмни қўлламоқчи эмасмиз, лекин бу билан фан барча билиш шакллари, бутун маданиятни ўрнини боса олмаслигини қайд этмоқчимиз холос. Ва айнан фanning нуқтаи назаридан четда қолган масалаларни билишнинг бошқа шакллари-санъат, дин, ахлоқ ва фалсафа орқали ўрганамиз.

Фанлардаги алоқадорлик фанлар интеграцияси ва дифференциациясига олиб келмоқда. Бу ҳолат олимлардан икки ёки уч соҳани мукамал эгаллашини талаб этмоқда. Олимлар нафақат муаммо ва гипотезани, балки шу фандаги усул ва услубларни, шунингдек унинг қонуниятларини ўрганишни ҳам талаб этмоқда.

Фандаги янги тадқиқотлар янги муаммоларни келтириб чиқаради. Бу унинг интерналистик хусусияти бўлиб, бу ҳолат олимдан янада кўп изланишни талаб этиши мумкин. Шунинг учун янги имкониятларнинг вужудга келиши абстракт имкониятларни вужудга келишига замин яратади. Фан , ҳар қандай илмий билиш имконияти ўз чегарасига эга. Агар биз бу чегараларни кўрмасак, фанни кераксиз жойга ва кераксиз курашларга мажбур қилган бўламиз. Шунинг учун унинг чегараларини рационал назарий билим чегараларини аниқлаб олайлик. Фан тарих олдида

қудратли эмас. Бугунги кунга қадар ҳеч ким тарих қонунларини очишга муваффақ бўлган эмас. Иккинчидан, фан қанчалик қудратли бўлмасин, келажакни башорат қила олмайди. Ҳеч қайси экстраполяция методи аниқ натижага олиб келмайди. Фан ҳатто нималарни кашф қилиши мумкинлигини ҳам башорат қила олмайди. Башорат қилганда ҳам бу фикрлар эҳтимолли характерга эга. Бундан ташқари илмий билиш тарих ҳақида ҳам тўлиқ ахборот бера олмайди. Биз қачон пайдо бўлганимиз, қандай пайдо бўлганимиз ҳақида фақат эҳтимолли фикрларга эгамиз.¹

Попперда билишнинг бошланғич нуқтаси қабуллаш ва кузатиш эмас, балки билим ва билимсизлик ўртасидаги муаммодир. Билмилар муаммоларсиз ривожланши мумкин эмас.

Худди шунингдек, Поппер индукцияни асосий усул сифатида инкор этади. Унингча, юқоридагиларда таҳлил қилаётган индукция умуман йўқ. Бундай метод индукция эмас, бу хатолар, кучли фаразлар ва уларнинг аёвсиз танқиди ҳисобланади. Лекин инсон фақат хато йўлидан кетса, у ҳеч қачон амёбадан фарқ қилмайди. Амёбадан Эйнштейнга қадар бир қадам. Аммо олим қўллаётган илмий усулнинг вазифаси шундаки, у ёки умуман хато қилмайди ёки жуда кам хатога йўл қўяди. Инсонни амёбага ўхшатиб Поппер илмий усул муаммосини ҳал қилади.

Кўриб турганимиздек, Поппер тўғридан-тўғри эмпирик фактлардан назарий тушунчаларга борадиган индукция усулини инкор этади. Лекин унинг ўрнига ҳеч қандай усулни таклиф ҳам этмайди. Назарий асослар гипотеза сифатида шаклланиб, тасдиқдан ё ўтади, ёки ўтмайди. Тасдиқлаш индуктивизмнинг бошқача шакли холос. Оддий индукцияда биз фактлардан умумий хулосага қараб кетамиз. Гипотезада биз умумий хулосалардан фактларга қараб кетамиз. Лекин бу ерда ҳам ўша муаммо ҳеч қандай фактларнинг кўплиги орқали биз умумий хулосани тасдиқлай олмаймиз. Ҳамиша шундай тасодиф мавжуд бўлиши мумкинки, умумий хулосани инкор этиши мумкин. Карл Поппер бундай инкорлардан қочиш

¹ Кохановский Философия для аспирантов. Уч. пособие. С 430 434

эмас, балки уларга тўғридан тўғри пешвоз чиқиш кераклигини таъкидлайди. Яъни бу назарияни шундай формаллаштириш керакки, улар доим эмпирик факт сифатида инкор этилиши мумкин бўлиши керакдир. Шу асосда Поппер илмийлик ва ноилмийлик ўртасидаги чегарани ўрнатмоқчи бўлади. Эмпирик жиҳатдан инкор этилиши мумкин бўлмаган тамойил илмий бўлмасдан, ё метафизик ёки теологик ҳисобланади.

Мантикий позитивистларга қарши равишда Поппер таъкидлайдики, тасдиқ фактлар ҳақиқийга яқин фаразга эга бўлгандагина эътиборга олиниши керак. Унинг фикрича тасдиқ фанда катта аҳамиятга эгадир. Бундай тамойил Поппер фикрича, фальсификация (*falsis* ёлғон *fasio* қилаяпман) инкор этилиши мумкин, деган маънони англатади. Бу тасдиқни эмас, инкор этилишни изловчи фактдир.

Ҳар қандай илмий назария таъқиқдир, чунки бирор бир ҳодисанинг вужудга келишига йўл қўймайди. Поппер фикрича, назария қанчалик таъқиқласа шунча яхши. Агар назария инкор этилишга мойил бўлмаса, у илмий эмасдир. Инкор этилмаслик назариянинг нуқсони ҳисобланади. Агар бирор бир назариянинг фалсификаторлари бўлмаса, унда бу назария илмий эмас. Масалан, унингча, астрология, психоанализ, марксизм, фрейдизм кабиларни инкор этиш мумкин эмас, демак улар илмий назариялар эмас.

Абсолют ҳақиқатлар инсон ақли, тафаккури учун ёпиқдир. Ҳақиқий ҳисобланган назариялар, шунчаки яхши текширилгандир. Бунда баъзи текшириладиган назариялар унинг ёлғонлиги аниқланса, ҳам тарафдорлар томонидан маъқулланиши мумкин.

Шундай қилиб, Поппер конвенцияни қўллаб қуватлайди, аммо у назариянинг илмийлигини камайтиради. Поппер нуқтаи назарига кўра назарий билим тузилмаси қўйидагича, ҳар қандай билим муаммодан бошланади.

Уни ҳал этиш учун олим назарияни ишлаб чиқади. Шундан сўнг назария бошқа рақобатбардош назариялар билан ва тажрибалар орқали

олинган натижалар билан таққослаштирилади. Бу таққослаш натижасида янги муаммо юзага келади.

Поппернинг илмий изланишлар асосида гипотетик-дедуктив усул ётади. Лекин гипотезани шакллантиришда биз фақат мантикқа таянсақ, унда гипотеза иррационал табиатга эга бўлиб қолади. Бу билан Поппер неопозитивистларга яқинлашади. Гипотезаларни шакллантиришдаги ижодий жараён унинг фикрича мантикқа эмас, психологияга оиддир. Бу билан Поппер мумтоз издошлардан тамоман фарқ қилади. Поппер илмийликни белгилашда верификация тамойилига қарама-қарши бўлган фальсификация йўлини танлайди. Поппернинг **фальсификация тамойили, илмий билимлар ривожини ундаги назарияларнинг инкор этилиши билан боғлиқ масалаларни қамраб олади. Олимлар эҳтимолли назарияларни ишлаб чиқмасликлари керак. Аксинча, назария қанчалик ахборотлашган, мазмунли ва кучли бўлса, унинг эҳтимоллилиги чегараланади ва унда инкор этиш учун барча асослар мавжуд бўлади. Назарияларнинг доимий равишда инкор этилиши бу илмий билимларнинг ўсиши ва мураккаблашувига олиб келади.**

Поппер илмий билиш ўсишини қуйидагича изоҳлайди.

Р 1 –ТТ –ЕЕ – Р 2

Бунда **Р 1** биринчи муаммо, **ТТ** – назариялар, **ЕЕ** – назариянинг инкор этилиши, **Р 2** янги янада чуқур муаммоки, унинг ечилишини бошқа янги бир назария таъминлаши керак¹. Яъни, мазмун жиҳатдан кенгроқ назария тор назариянинг ўрнини олиши лозим. “...эмпирик ёки илмий деб мен фақат тажриба орқали синалиши мумкин бўлган тизимларнигина тушунаман. Бунга кўра верификация эмас, балки фальсификация чегаралаш, яъни демаркация ҳисобланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, илмий тизимдан ижобий моҳият билан ажралиб чиқишни эмас, балки салбий томонлар юзага чиқишига замин яратишимиз керак: эмпирик илмий тизимга тажриба орқали инкор этилиш хусусияти хос бўлиши

¹ Поппер, К.Р. Логика и рост научного знания М.1983 С. 455

керак.”¹ Агар гипотеза текширилиб инкор этилиши мумкин бўлмаса, унда у илмий эмас, дейди Поппер. Масалан, у Фрейд назариясини илмийликдан олиб ташлайди.

Шундай қилиб, Поппернинг фикрича, илмийлик тажрибада инкор этилиш ҳисобланади. Поппернинг бу фикрини тасдиқлаш учун ҳукмнинг илмий ёки илмий эмаслигини билиш учун уни инкор этиб кўриш лозим. Агар у инкор этилса, демак у илмий. Аксинча бўлса, у ноилмий ёки метафизик тизимдир. “Бу қоида то биз бу назарияни инкор этмагунимизча давом этиши керак. (Агар назария инкор этилган бўлса, унинг эмпириклигига шубҳа қолмайди. Ва унинг илмийлиги ёрқин намоён бўлади.)”²

“Билимнинг фундаментал манбааси мавжуд эмас. Ҳар қандай манбаани қўллаб қувватлаш керакки, ҳар қандай фикр мантиқий жиҳатдан текширилиши мумкин. ...билим ҳеч нарсадан бошланиши мумкин эмас, жумладан *tabula rasa* ва кузатишдан бошланиши мумкин эмас. Билишнинг ривожланиши аввалги билимни қайта кўриб чиқиш мумкинлигидан иборат.”³ Мантиқий позитивистлар фақат ҳиссий билишни энг асосий манбаа деб ҳисоблаганда, Поппер ҳар қандай билимни шакллантирадиган усулларни, аввало текшириш мумкин бўлган ва унинг натижасида бирор натижа берадиган назарияларни ҳам, шунингдек метафизик тизимларни ҳам, асотирлар, ҳар қандай гипотеза ва фикрни ҳам тан олади.

Шунингдек, мантиқий позитивистлар эмпирик ва назарий билим ўртасида қатъий чегара қўйган бўлсалар, Попперда тажриба ва назариянинг ўртасида чегара йўқ. “Ҳар қандай терминлар назарий ҳисобланади, албатта уларнинг айримлари камроқ, айримлари кўпроқ назарийдир.”⁴ Агар бирор бир қарорни инкор этиб бўлмас экан, унда у

¹ Поппер К.Р. Логика научного открытия. С.63

² Поппер К.Р. Предположение и опровержение. Стр. 364

³ Поппер К.Р. Объективное знание. Стр.400

⁴ Поппер К.Р. Предположения и опровержения. Стр. 23

илмий бўла олмайди. Бу тамойилга асосан ҳар қандай гипотеза текширилиб, инкор этилиш жиҳатдан қаралиши керак.

Поппер индукция ва верификацияни илмий чегара сифатида инкор этди. Чунки унингча, верификация тарафдорлари фан чегарасини унинг асосланганлиги ва исботланганлигида кўради. Афсуски, фанда бунга эришиб бўлмайди, қисман бунга эришиш эса, фанни фан бўлмагандан ажратмай кўяди. Шунинг учун Поппер фандаги асосланганлик хусусиятини ўзига хос хусусият сифатида кўрмайди. Ҳамма нарсани исботлаш мумкин, лекин бу нарса ҳали унинг илмийлиги ҳақида ҳеч нарса демайди.

Поппер верификация тамойили ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай назарияни қўллаб қувватлаш, ҳақиқатлигини билиш учун уни тасдиқлаш керак бўлса, бунга жуда осон эришиш мумкин деб ҳисоблайди. Лекин уни тасдиқловчи фактларнинг ўзи етарли даржада ишончли бўла олмайди. Унингча, астрологиядаги ҳолатлар, Фрейднинг психоанализи, диний таълимотлар, ижтимоий фанларда шундай ҳолат учрайди. Лекин бу нарса уларнинг нотўғрилигини англатмайди. Уларнинг кўпчилиги ўта жиддий масалаларни ҳал қилади ва вақти келиб келажакдаги текшириладиган фанлар қаторига қўшилиши мумкин, лекин айти пайтда уларнинг илмийлиги ҳақида бирор нарса дейиш қийин.

Фальсификация тамойили ҳам тез орада ўз камчиликларини намоён қилди. Чунки фальсификация тамойилини тажрибада синалмайдиган ҳолатларга нисбатан қўллана олмайди. Танқидий рационализм илмийликка дахлдор бўлсада, тажриба орқали синалмайди. Шунинг учун у илмий бўла олмайди. Бундан ташқари реал тажриба фальсификация тамойилига зиддир, чунки бирор бир назария унга қарши назария пайдо бўлса ҳам ташлаб юборилмайди.

Поппернинг бу тамойилига мувофиқ биз ҳамма нарсани ҳақиқат деб ҳисобласак, бу бефарқликка олиб келмайдими? Ёки биз ҳақиқатга ҳеч

качон эриша олмасак, билишга нима ҳожат. Унинг концепциясида агностицизмни ҳам скептицизмни ҳам кўришимиз мумкин.

Кун буйича, фан тараққиётида нормал ва илмий революциялар пайти мавжуд. Нормал фан умумтасдиқдан ўтган парадигма таркибида ривожланади. Бунда олимлар маълум қоидалар, стандартларга асосан илмий муаммони ечиб борадилар. Агар назарий фаразлар билан фактлар бир бирига тўғри келмаса, бу ҳолат “аномалия” деб ҳисобланади, лекин назариялардан воз кечишга бу нарса тўсиқ бўла олмайди. Лекин бу аномалиялар кўпайиб боради ва натижада кризис юзага келиб илмий инқилобни келтириб чиқаради. Бу даврда эски парадигманинг ўрнига янги парадигма ҳосил қилинади.

Янги парадигма рационал тарзда эмас, балки ижтимоий психологик жиҳатдан танланади. Яъни унинг моҳиятига, объективлигига эмас, балки нормал фан учун асос бўла оладиган, намуна бўла оладигани танланади. Билимлар тўпланиши фақат нормал шароитда юз бериши мумкин. Илмий инқилоб натижасида эски парадигмада юзага келган билимлар қадрсизланади, чунки у бутунлай янгича билимлар дунёсини юзага келишига замин яратадики, яъни бунда бутунлай янги назариялар ва ғоялар вужудга келади. Ҳар хил парадигма даврида шаклланган назариялар бири бирига мос келмайди. Шунинг учун бу назарияга мувофиқ илмий билимлар ўсиши юзага келмоқда, деб айта олмаймиз. Ҳар бир парадигма даврида нормал фан билимларни йиғиб борсада, бу билимларнинг ошишига эмас, балки алмашилишига хизмат қилади.

Верификация ва фалсификация тамойилларида фан ва фалсафа ўртасида қатъий чегара белгиланган бўлса, Кунда метафизика ва фан ўртасида чегара йўқ. Унинг методологиясида метафизика илмий тадқиқотнинг боши: у илмий назарияларда айнан мавжуд ва кўринмас ҳолда тадқиқот натижаларида ҳам акс этади, ҳаттоки фан фактларига ҳам кириб кетади. “Сермаҳсул тадқиқот илмий умумлашма бирор бир қуйидаги саволларга жавоб топмасдан илгари бошлана олмайди. Яъни

Коинот таркибидаги фундаментал бирликлар қанақа? Улар бир бири ва сезги органлари билан қандай муносабатда? Олим бундай моҳиятларни очиш учун қандай усулларни ишлаб чиқиши ва қандай саволларни қўйишга ҳақли?”¹ Эътибор берайлик, мантиқий позитивистлар фалсафани бемоҳият фанга айлантириб қўйган бўлса, Кун фалсафани илмий билимларнинг асоси қилиб олмоқда.

Кун фан ва илмий билимлар ўсишини таҳлил қилар экан, унга бир томонлама эмас, балки креатив нуқтаи назардан ёндашди. “Илмий берилган”ни таҳлил этиш учун Кун ташқи “стимуллар”ни ажратади, яъни инсон организмига таъсир қилувчиларни ва ҳиссий таъсиротни фарқлайди. “илмий берилган” ёки “факт”лар айнан ҳиссий таъсирот ҳисобланади, “ташқи стимул” эмас. Олимнинг бирор бир нарсдан таъсирланиши ва қандай “факт”ларни зарурий деб белгилаши унинг тарбиясига, маълумотига ва ўзи ишлаётган парадигманинг чегараларига боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Демак, бу ерда Кун илмий изланишлар негизида ташқи омиллар ётишини таъкидлайди. Куннинг бу фикри бизнинг назаримизда Поланининг фикрларига асосланади. Чунки Полани Поппердан фарқли ўлароқ, фан ривожини ички эмас, ташқи дитерминация асосида ривожланишини таъкидлайди.

Парадигма тушунчаси билан илмий умумлашма номи ҳам боғлиқки, улар бу ерда синонимдир. Илмий умумлашма нима? Бу бир парадигма остига бирлаштирилган инсонлар, олимлар. Илмий умумлашма тушунчаси билан биргаликда Кун фан фалсафасига янги элементни илмий фаолият олиб бораётган тарихий субъектни олиб кирди, чунки илмий умумлашма бу маълум тарихий даврга тегишли, ҳар хил даврларда у у ҳар хил одамлардан иборат. Бунга баъзилар қуйидагича таъриф берадилар. “Кун ўз илмий умумлашмасини орқали инсон концепциясини киргизар экан, фан фалсафаси бор йўғи ғоялар тарихи ҳисобланган интерналистик концепцияга қарши чиқади. Бу нарсани унга фан ривожига имманент талқин

¹ Кун Т. Структура научных революций М.1975. С.20

килишдан ташқарига олиб чиқиш имкониятини берди, фан ривожини механизмини тушунтиришда янги имкониятлар очди”¹

Анъанавий фан фалсафаси фан ва тарихга билимлар, ғоялар, гипотезалар, тажрибалар ривожини сифатида қараб билиш субъектига эътибор қаратмас эди. Субъектга илмий тадқиқотда рол ажратилмаган эди. Масалан мантикий позитивистлар билимларни фақат субъектив баҳолашга ҳаракат қилишади. Аниқ инсонлар ва тарих умуман уларнинг таҳлилидан ташқарида эди. Попперда ҳам бу яққол кўринади, у ўзининг “объектив билим” концепциясидан субъектни чиқариб ташлайди. Кун, Поланини фикрларига асосланиб, бу анъанага қарши чиқади. Унингча, билим бу мантикий дунёда мавжуд нарсалар эмас, балки маълум тарихий даврдаги инсонлар миёсидаги фикрлардир.

Бир қарашда ҳар қандай янги парадигма олим имкониятларини кенгайтираётгандек кўринади. Аммо бу имконият уни чегаралайди ҳам. Чунки у парадигмадан ташқарига чиқиб кета олмайди. У моҳиятни парадигмадан ташқари ҳолатда ҳам тушунтириб бера олмайди. Яъни парадигма оламга бир нуқтаи назардан боқишга нормал фан нуқтаи назаридан баҳо беришга ўргатади. Шунинг учун унинг имкониятлари парадигма ташқарисига чиқмайди.² Буни Фейерабенд ҳам таъкидлайди.³ Бунинг учун парадигмани янгилаш лозим бўлади. Шунинг учун парадигма маълум фан доирасида катта ютуқларга сабабчи бўлсада, уни асоси ва келажагини ўзидан узиб қуяди. Яъни унинг кейинги имкониятларини чегаралайди.

Илмий билиш кенг имкониятларига эга бўлиши бу илм фанни нафақат бойитиши балки, унинг юксак чуққиларга олиб чиқиши мумкинлигини Фейерабенд ёқлаб чиқади. У Т.Куннинг “олимлари асосий мақсадни, фан мақсадини унутишади”, деб ҳисоблайди.⁴ Унингча, бир

¹ Микулинский С.Р.Маркова Л.А. Чем интересна книга Т.Куна. Структура научных революций. Структура научных революций М.1975.С.281-282

² Кун Т. Структура научных революций. М. 1975. С152

³ Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М., 1986. с.125-467

⁴ В книге Кун Т. Структура научных революций .Утишение для специалиста.

парадигма устида иш олиб бориш илмий билимлар ўсишини таъминлай олмайди. Фейерабенд илмий билишда имкониятлар масаласига катта ўрин ажратади. Ундаги ғоялар вариантларнинг кўплиги билан изоҳланади. У илмий билишни ўстирувчи ҳар қандай ғояни вариант сифатида олишга тайёр.”Объектив билиш учун фикрлар хилма хиллиги ниҳоятда муҳим. Ва бу хилма хилликни ёқловчи ҳар қандай метод ягона ва инсоний нуқтаи назаридан энг мақбулидир.”¹ Қайсидир маънода Фейерабенднинг фикрлари Поланининг шахсий билимларига тенг. Ҳар қандай таҳлилда бўлмасин, ҳар қандай ғоя унинг яратувчиси билан бирга яшашга ҳақли, унинг қай бири муҳимлигини олимнинг ўзи белгилайди.

П.Фейерабенднинг бундай ғоялари анархистик концепцияси номини олди. У илмий билиш ривожига мантиқ бўлиши лозимлигини бутунлай инкор этди. У “Фан тарррақиётига таъсир этувчи ягона принцип ҳамма нарсa мумкин”² принципи деб ҳисоблади. Бирор бир назарияни бошқалардан устун қуйиш керак эмас, чунки назариялар ҳар хил тилда, бир-бирига мос бўлмаган тарзда мавжуддир. Барча парадигмалар бир хил бўлиб, улар олимларнинг ижодий фикрини чегаралайди. Куннинг “нормал” фани вақтинчалик мутахассислар калласида юзага келган ғояки, унга қарши курашиш лозим. Фаннинг ривожланиш йўли бу тўхтамайдиган революция. Фейерабенд “пролиферация” -гипотезаларни кўпайтириш принципини ишлаб чиқади. Улар қанча кўп бўлса шунча яхши. Унингча, фаннинг прогрессив равишда билимлар тўплаши мумкин эмас, чунки фақат бир-бири билан рақобат қилувчи гипотезалар мавжуд холос.

Хакен буни қуйидагича изоҳлайди. “ Дунёда олимлар жуда кўп, лекин уларнинг бирор янги нарсани яратиши учун илмий потенциали ҳам, имкониятлари ҳам чегараланган. Шунинг учун фан оламида ҳам муттасил кураш кетади ва натижада энг яхши ва энг кучли ғолиб бўлади.

¹ Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М., 1986. с.130

² Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М., 1986. с.125

Худди ягона лазер нури яшаб қолганидек, курашлар натижасида фақат бир ном, биргина иш энг юқори поғонадан жой олади.”¹

XX асрнинг 60-йилларида билимнинг ўсиши, ривожланиши муаммосини позитивизм вакиллари Карл Поппер, Томас Кун, Имре Лакатос, Пол Фейерабенд, Стивен Тулмин ва бошқалар янада чуқурроқ, фаолроқ ўргандилар.

Фан тараққиёти тарихида постпозитивизм вакиллари дунёдаги умумий эволюцион ўзгаришларни хусусий ҳолат сифатида ўрганиб, эволюцион тараққиётнинг турли моделларини яратдилар. Улар билим ривожини ва биологик ўсиш ўртасида аналогия (ўхшашлик) бор деб ҳисоблайдилар.

Постпозитивистик фалсафий тадқиқотлар муаммосида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди: агар мантикий позитивизм асосий эътиборини илмий билим структурасини таҳлил қилишга қаратган бўлса, постпозитивизм билим ўсиши ва тараққиётини тушунишни асосий муаммо ҳисоблади. Шунга кўра, постпозитивизм вакиллари эътиборларини илмий ғоялар ва назарияларнинг пайдо бўлиш тарихи, тараққиёти, алмашинувини ўрганишга қаратишга мажбур бўлдилар.

Билим ўсиши ҳақидаги биринчи концепция **Карл Попперга** тегишлидир. К.Поппер билимни (унинг ҳар қандай шакли) нафақат тайёр тизимга айланган, балки ўзгарувчан, ривожланувчи тизим сифатида кўради. Фаннинг бу жиҳати таҳлилини у илмий билим ўсиши концепцияси сифатида талқин қилади. Мантикий позитивистларнинг бу масалага оид агенетизм, антитарихийлигини инкор қилиб, у сунъий тиллар моделини яратиш методлари, билимларимиз ўсиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қила олмайди, бироқ ўз чегарасида бу метод тўғри ва зарурдир, деб ҳисоблайди. Поппер, биринчи ўринга илмий билим ўзгариши, ўсиши ва тараққиёти масаласи кўйилиши, баъзан кенг тарқалган тизимлашган дедуктив тизим сифатида фан идеалига зид бўлиши мумкин деб

¹ Хакен Г. Тайны природы. Синергетика учение о взаимодействии. М.И.2003. С.275

ҳисоблайди. Бу идеал Евклид давриданок Европа эпистемологиясида устувор бўлган.

Бироқ, бу идеалнинг нақадар муҳим бўлишидан қатъи назар, фанни яхлит деб ҳисоблаш, унинг эволюция, ўзгариш, ривожланиш каби муҳим хусусиятларини майдалаштириш мумкин эмас. Айни пайтда, ҳар қандай эволюция ҳам билим ўсишини белгиламайди, яъни, у билим ўсиши эволюциянинг қандайдир таснифи (масалан, сифат ёки сон) билан мужассамлаштирилиши мумкин. Поппер учун билимнинг ўсиши такрорланувчи ёки кумулятив жараён эмас, балки хатоларни бартараф қилиш «дарвинча танлаш» жараёнидир, у билим ўсиши ҳақида фикр юритар экан, кузатишларни танлашни эмас, балки такрорланувчи кучсиз илмий назариялардан кучли, янада мукаммал назариялар билан алмашинувини тушунади. Шунга биноан, илмий билим ўсиши кучли гипотезалар ва тўлиқ назарияларни илгари суриш, уларни рад қилиш ва булар натижасида илмий муаммоларни ҳал қилишдан иборат. Ўзининг мантикий-методологик концепцияларини асослаш учун К.Поппер неодарвинизм ва эмерджент тараққиёт тамойилидан фойдаланади: илмий билиш ўсиши унинг ижодида умумий дунёвий эволюцион жараёнларнинг бир қисми сифатида ўрганилган. Унинг фикрича, илмий билиш ўсиши синонвлар ва хатолар билан амалга оширилади, маълум муаммоли вазиятда назарияни танлаш услуби фанни янада рационал қилади ва унинг тараққиётини таъминлайди. Поппер бу жараёндаги баъзи мураккабликларга, ҳаттоки, реал ҳавфга эътибор қаратади. Булар формализацияга чексиз ишонч, авторитаризм, аниқ мушоҳаданинг йўқлиги кабилардир. Фан ўсишининг зарурий воситалари сифатида олим тил, муаммонинг қўйилиши, янги муаммоли вазиятларнинг пайдо бўлиши, рақобатдош назариялар, мулоқот жараёнидаги ўзаро танқид кабиларни тушунади.

Ўз концепциясида Поппер билим ўсишига учта асосий талабни қўяди. Биринчидан, янги назария содда, сермазмун ва янги ғоялардан

пайдо бўлиши керак. Иккинчидан, у бевосита текширилган бўлиши, яъни илгари кузатилмаган, янги ходисанинг тақдимотига олиб келиши керак. Бошқача қилиб айтганда, янги назария тадқиқот инструменти сифатида янада сермазмун билмоғи лозим. Учинчидан, яхши назария баъзи янги ва катъий текширувлар каби синовдан ўта олиши керак. Илмий билим назарияси ва унинг ўсиши, ўзининг шаклланиш жараёнида муаммоларни ечиш назариясига айланувчи, танқидий муҳокама қилинувчи, рақобатдош гипотеза ва назарияларни танқидий текширувчи эпистемологиядир.

Ўзининг илмий билим ўсиши моделини Поппер қуйидаги схемада ифодалайди: P1-ТТ-ЕЕ-Р2, бу ерда Р1-кандайдир бошланғич муаммо, ТТ-тахминий назария, яъни унинг ёрдамида ҳал қилинадиган назария, ЕЕ-танқид ва экспериментал текширувлар орқали назариядаги хатоларни бартараф қилиш жараёни, Р2-янги, чуқурроқ муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш ва янада информативроқ назарияни яратиш зарурлигидир.

Томас Кун илгари сурган тарихий-илмий жараённинг умумий схемаси эса ўзида икки даврни мужассамлаштиради. Бу «нормал фан»да парадигмалар ва илмий инқилобларнинг ҳукмронлик қилиши, парадигмаларнинг парчаланиши, муқобил парадигмалар ўртасидаги рақобат ва, ниҳоят, улардан бирининг ғалабаси, яъни янги «нормал фан» даврига ўтиш билан характерланади. Кун фикрича, бир парадигмадан иккинчисига инқилоб орқали ўтилиши, тараққиётнинг оддий модели бўлиб, у етилган фанни характерлайди. Бунда илмий тараққиёт биологик дунёдаги ривожланиш сингари ўзида бир йўналишли ва қайтарилмас прогрессни намоён қилади. Бу жараёнда қоида ва қонунлар қай аҳволда бўлади? Парадигмаларгача бўлган давр турли мактабларнинг рақобати ҳамда тадқиқотнинг умумий қабул қилинган концепция ва методларнинг йўқлиги билан характерланади. Бу давр учун, айниқса, метод, муаммо ва стандарт ечимларнинг тўғрилиги ҳақидаги хусусий ҳамда жиддий баҳслар характерлидир. Маълум бир даврда бу зиддиятлар бирор мактабнинг ғалабаси натижасида йўқолади. Парадигманинг тан олиниши билан нормал

фан «даври бошланади», яъни, унда илмий фаолиятнинг турли (щаттоки фалсафий) даражадаги норма ва усуллари шаклланади ҳамда кенг кўламда фойдалана бошлаши билан (албатта, ҳамма томонидан ва ҳар вақт онгли эмас) нормал фан даври бошланади. Парадигмаларнинг инқирози уларга хос методологик кўрсатмаларнинг инқирози ҳамдир. Мавжуд қоида ва кўрсатмаларнинг инқирози янги изланишларга олиб келади. Бундай жараённинг натижаси илмий инқилоб, эски парадигмаларни бутунлай ёки қисман сиқиб чиқарувчи эскиларга мос келмайдиган янги парадигмалар ҳисобланади.

Илмий инқилоблар олимларнинг дунёни ўрганишдаги тушунчалар турининг алмашинуви жараёнида кечади. Тушунча турининг ўзгариши (тубдан ызгариши) методологик қоида ва кўрсатмаларнинг ўзгаришига олиб келади. Олимлар, айниқса, илгариги тажриба ва анъаналар билан кам боғланган олимлар, эски қоидалар эндиликда керак эмаслигини тушуниб, янги «тушунчалар турига» асосланган қоидалар тизимини танлай бошлайдилар. Бу мақсадда олимлар одатда, фалсафага мурожаат қиладилар ва «нормал фан» даврига хос бўлмаган фундаментал вазиятни муҳокама қиладилар. Т.Кун илмий инқилоб даврида олимларнинг асосий вазифаси янги парадигмадан келиб чиқадиган ва у билан детерминантлашган битта қоидадан ташқари барча қоидаларни қисқартиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Бироқ, методологик қоидаларни қисқартирилиши уларни тўлиқ инкор қилиш эмас, балки ижобий томонларини сақлаш билан ифодаланади. Бу жараёни характерлаш учун Кун «кўрсатмаларни реконструкция қилиш» («қайта ишлаш»), деган атамани қўллайди.

Стивен Тулмин эса ўзининг эволюцион эпистемологиясида назариялар мазмунини «ўзига хос тушунчалар популяцияси» сифатида ўрганади. У тараққиётнинг умумий механизминини ички ва ташқи (ижтимоий) омилларнинг ўзаро таъсири сифатида талқин қилар экан, ўз навбатида, рационал компонентларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини алоҳида

таъкидлайди. Бунда у нафақат илмий назариялар эволюциясини, балки муаммолар, мақсад, тушунча, методлар ва бошқа концептуал структураларни ўрганишни илгари суради.

Стивен Тулмин илгари сурган фанни тадқиқ қилишнинг эволюцион дастурида «илмий назария асосида ётувчи рационаллик ва тушуниш» стандартларининг тарихий шаклланиш ҳамда ривожланиш ғояси ётади. Илмий билимнинг рационаллиги унинг тушуниш стандартларига мос келиши билан белгиланади. Тушунчалар, Тулмин фикрича, узлуксиз концептуал янгиликларни танлаш жараёнида илмий назариялар эволюцияси давомида ўзгаради. У фан тараққиётини таҳлил қилиш учун социология, ижтимоий психология, фан тарихи каби фанлардаги «кўпёқламалик»ни татбиқ қилгани ҳолда илмий жараёнларга ҳар томонлама аниқ тарихий ёндашувни талаб қилиш муҳимлигини таъкидлайди.

Имре Лакатос ызининг «Исботлаш ва рад қилиш» асарида «мантикий позитивизм догматларининг ғоялари математика тарихи ва фалсафаси учун хавфлидир», деб эътироф этади. Математика тарихи ва математик янгиликлар мантиғи, яъни «математик фикрнинг филогенези ва онтогенези»да танқиддан ва формализмдан бутунлай воз кечилмаса, ривожлана олмайди. Бунда И.Лакатос мантиқдаги исботлаш ва рад қилиш бирлигига асослаган мазмунли математика тараққиётини таҳлил қилишни қарама-қарши қўяди. Бундай таҳлил тарихий илмий билиш жараёнини мантиқан реконструкция қилиш демакдир. Ўзгаришлар жараёнини ва билиш ривожини таҳлил қилиш файласуф томонидан рақобатлашувчи илмий тадқиқот дастурлари ғоясига асосланган фан тараққиётининг универсал концепцияси баён қилинган қатор мақола, монографияларда давом эттирилади (Масалан, Ньютон, Эйнштейн, Бор ва ш.к.ларнинг дастурлари).

Илмий тадқиқот дастурида файласуф фундаментал ғоя ва методологик тамойиллар йиғиндиси билан мужассамлашган бир-бири

билан алмашинувчи назарияларни (серияни) тушунади. Шунинг учун фалсафий методологик таҳлил объекти, алоҳида гипотеза ёки назария эмас, балки маконда бир-бири билан алмашинувчи назариялар йиғиндиси, яъни баъзи тараққиёт туридир.

И.Лакатос ривожланган фан ўсишида бир-биридан алоҳида эмас, балки узлуксиз боғлиқ назариялар мажмуи ва улар ортида турувчи тадқиқот дастурини тушунади. Бошқача қилиб айтганда, шунчаки иккита назария эмас, балки кетма-кетликда келувчи тадқиқот дастурида =қўлланилувчи назария ва уларнинг турлари қиёсланиб, баҳоланади. И.Лакатос фикрича, баҳолашнинг фундаментал асоси алоҳида назария ёки назариялар йиғиндиси эмас, балки «тадқиқот дастури» бўлиши керак. Унинг таъбирича, тадқиқот дастури тараққиётнинг асосий давлари прогресс ва регресс, - босқичлар чегараларининг «тўлиш нуқтаси» ҳисобланади. Янги дастур эски дастур тушунтира олмаган нарсага аниқлик киритиши ва тушунтира олиши керак. Асосий илмий тадқиқот дастурларининг алмашинуви жараёни илмий инқилобдир.

И.Лакатос ыз ёндашувини рақобатдош методологик концепцияларни баҳолашнинг тарихий методи, деб атайти ва, ўз навбатида, ҳеч қачон фан тараққиётига тугалланган назария деб қарамаганлигини эътироф қилади. Илмий тадқиқот дастури методологиясига «норматив тарихий»лик деб аталган вариантни таклиф қилар экан, И.Лакатос «танқиднинг тарихий методини диалектик ривожлантиришга ҳаракат қилганлигини» таъкидлайди.

Пол Фейерабенд эса билим ўсиши ва шахс камолотига тенг кучли билим турлари ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Файласуф, фаннинг шундай назариясини яратиш керакки, бунда албатта, тарих эътиборга олиниши зарур деб таъкидловчи методологларнинг фикрини қўллаб-қувватлайди. Бу ҳозирги замон фан фалсафасидаги схоластикани бартараф қилувчи ягона йўлдир.

П.Фейерабенд фанни соддалаштириш мумкин эмас, аксинча, фан тарихини ҳам, илмий ғояларни ҳам, уларни яратувчи тафаккурни ҳам кандайдир диалектик мураккаб хаосда турли-туман хатолар мажмуи сифатида ўрганиш керак, деб хулоса қилди. Фейерабенд фан ҳам, унинг тарихи ва фалсафаси ҳам ўзаро таъсирда ҳамда биргаликда ривожланиши керак, акс ҳолда уларнинг бўлиши учун қилинган ҳаракат ҳар бирининг биргаликдаги ривожланишига зиён етказиши мумкин, шунинг учун бундай салбий ҳолатга чек қўйиш зарур, деб таъкидлайди.

Америкалик файласуф билим ўсиши ва ривожланиши таҳлиliga мавҳум рационал ёндашув етарли эмас, дейди. Бундай ёндашувдаги чекланганликни у фанни маданий тарихий тараққиётдан узилишида киради. П.Фейерабенд фикрича, ғоялар тараққиётининг соф рационал назарияси асосан эътиборини мантиқ қонунлари ва методологик талаблар билан «тушунчалар структураси»ни ўрганишга қаратадию, лекин ижтимоий ҳаракатларни, ноидеал кучларни, яъни фан тараққиётининг ижтимоий-маданий детерминантларини ўрганмайди. Файласуф ижтимоий-маданий детерминантларни ижтимоий-иқтисодий таҳлил қилинишини бирёқламали деб ҳисоблайди, чунки бу таҳлил бизнинг анъаналаримизга таъсир қилувчи кучларни аниқлар экан, бошқа томонни, яъни уларнинг тушунчали структурасини ўрганишни унутади.

П.Фейерабенд тараққиётнинг барча деталларини тушунарли қила оладиган ғоялар ривожланишининг янги назариясини қуриш кераклигини ҳимоя қилади. Бунинг учун эса, у чекланганликлардан ҳоли бўлиши ва фан тараққиётининг бир даврида ҳал қилувчи ролни концептуал омиллар, бошқа даврда эса ижтимоий омиллар ўйнашини инобатга олиши зарур. Айнан шунинг учун бу икки омил ва уларнинг ўзаро таъсирини четда қолдирмаслик керак.

Постпозитивизмдан сўнг эволюцион эпистемология тараққиёти икки асосий йўналишда давом этади. Биринчиси, **эволюциянинг муқобил модели** (К.Уоддингтон, К.Халквег, К.Хугер ва ш.к.) ва иккинчиси

синергетик ёндашув йўналиши. К.Уоддингтон ва унинг тарафдорларининг эволюцияга муносабатлари қандай қилиб тирик организмлардек юқори тузилган ёки концептуал тизимларнинг бошқарувчилик воситаси таъсирида ўз-ўзини ташкил қилишлари ва барқарор динамик тартиб ўрнатишлари мумкинлигини тушунишга имконият яратади. Бунинг замирида биологик ва эпистемологик эволюциялар орасидаги аналогия анъанавий эволюция назариясига таянувчи илмий билим моделига нисбатан янада ишончлироқ бўлади.

2§ ИЛМИЙ БИЛИШ ВА ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИ

Инсон мавжудлигининг ўзи когнетив билиш жараёни ҳисобланади. Бу инсон қизиқувчанлигидан, тадқиқ этувчилик хусусиятига эгалигидан келиб чиқади. Бу ҳаракат гўдакнинг атрофдаги олам ва ўзи ҳақида билим олишга интилишига ўхшаб кетади.¹

Индивид учун бу ташкилланиш априор, чунки у ҳар қандай тажрибадан олдин мавжуд бўлиб, тажриба юзага келиши учун ҳам зарурдир. Лекин унинг вазифаси мантиқий заруриятдан эмас, тарихий ва филогенетик хусусиятдан келиб чиқади.

Фалсафада априор фикрларнинг мавжудлиги масаласи анча илгарига бориб тақалади. Баъзи фалсафий мактаблар қадимдан инсонга туғма билимлар хос бўлиб, у худо томонидан инъом этилган деган фикрлар учрайди. И.Кант фикрича инсон туғма асосий тафаккур шаклларига эга бўлиб, ҳаёт давомида унда билимлар тўпланиб боради. Априор билимлар ҳар қандай тажрибадан олдин мавжуд бўлиб, математика ва мантиқнинг асосий ғояларидан иборат. Кант фикрича, ҳар қандай априор билим ҳар қандай тафаккур асосини ташкил этади. Замонавий фалсафада априор билимлар моҳияти инкор этилди, аммо инсоннинг билишга мойил бўлиб

¹ Князева Одиссея научного разума: Синергетическое видение научного прогресса. М.1995. С. 28

туғилиши масаласи ва унинг мияси *tabula rasa* эмаслиги масаласини тадқиқ этиш давом эттирилди.

Конрад Лоренцнинг фикрича туғма билимлар мавжуд, лекин улар тайёр ахборотни бермайди, бундан ташқари улар фақат математик ва мантикий тушунчалардан иборат бўлмай, ахборотни қабул қилиш имкониятига эга тизимлардан иборат.¹ Бу фикрга асосланадиган бўлсак, Кант ҳам ҳақиқатга яқин бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Чунки тафаккур асосида айнан фазовий (геометрик) тушунчалар ётади. Кант априор деб атаган билимлар, материал ташувчилар эканлигини билмайди. К.Лоренц ўз ёндашуви Кантникидан фарқли эканини айтади ва биз кўраётган дунё тафаккуримизнинг сабабият, нарса, фазо ва вақт тушунчалари нейросенсор ташкилланиш вазифаси бўлиб турнинг сақланиши учун вужудга келган ва объектив борлиқдаги фазо, вақт, нарса ва сабабият билан бир хил эканлигини таъкидлайди.

Лоренц априор ҳақида гапирар экан, унинг қачондир апостериори бўлганини ва филогенез жараёнида мавжудликка тўқнашиш ва мослашиш натижасида қабул қилиш априор сифатида шаклланганлигини айтади. Унинг фикрича, “органик бирикмаларнинг ва генларнинг мутация ва рекомбинация жараёнлари натижасида вужудга келишида табиий танланиш муҳим рол уйнайди. Танланиш натижасида мослашиш юзага келади. Бу эса, билиш жараёнидир, унинг натижасида организм яшаш учун зарур бўлган ахборотни қабул қилади, яъни атрофдаги муҳит ҳақида билимга эга бўлади”²

Бугунги кунда айнан эволюцион эпистемология ривожланиши натижасида ҳайвонлар ва одамлардаги билиш механизмлари изчил ўрганилмоқда.³

¹ З. Лоренц. К. Кантовская теория априори в свете современной биологии. (Эволюция .Язык. Познание. М.1997.№5.С.15-41

² Лоренц К.Оборотная сторона зеркала. М.Республика. 1998. С. 5

³ 4. В.Г.Редько. Проблема происхождения интеллекта. Вопросы философии. 2008.

Инсон эволюцияси нафақат биологик ва генетик, балки маданий эволюция ҳамдир. Чунки бизнинг билишимиз ижтимоий ва маданий омилларга ҳам боғлиқ. Тўғри, биологик эволюция инсоннинг когнетив қобилиятларини биологик жиҳатларни тушунтириши мумкин. Лекин у билимни - оддийдан мураккабга қараб кетган билимни қандай тушунтиради? Бизнинг миямиз биологик тизим бўлиб, ғоялар, гипотезалар ва назариялар ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Лекин улар юзага чикқач, бошқа қонуниятлар асосида мавжудлигини сақлаб қолади. Шунинг учун эволюцион эпистемологияда генетик ва маданий эволюциянинг боғлиқлиги масаласи ҳам тадқиқ этилади.

Бу йуналишдаги изчил тадқиқотлар олиб борган олимлар сирасига К.Поппер, И.Лакатос, С.Тулмин, Г.Башляр, М.Полани киради. Улар эволюцияни нафақат биологик ва генетик, балки маданий эволюция ҳамдир, деб ҳисоблайдилар. Кезин бу қаторга Отто Нейратни ҳам қўшади.

Гап шундаки, Вена тўғараги вакили Нейрат тўгаракнинг бошқа аъзоларидан фарқли ўлароқ, фан назариясини табиий концепциясини ишлаб чиқади. У ўз концепциясини “энциклопедизм” деб номлайди. Нейратнинг фикрича, тизимлашган мантикий зўравонлик илмий билишда реал тажрибага асосланмайди. Унга асосан, илмий билимлар қатъий тизимлашган тузилма сифатида эмас, балки эркин энциклопедиялар тарзида юзага чиқиши мумкин. Улар илмий баҳсларнинг баёнлари сифатида намоён бўлиши мумкин. Унинг бу ғоясини шакллантиришда Поппернинг “Тадқиқот мантиғи” асари катта таъсир кўрсатди. Лекин Попперни ҳам қатъий дедуктив аксиомалаштирилган усулдан фойдаланишини оқламайди. Нейратнинг фикрича, бундай модел нафақат идеаллаштирилган, балки, нотўғри ҳамдир. Нейратнинг фикрларини илмий билим тузилмасининг холистик кўриниши деб ҳисоблашади. Лекин

айнан у эпистемология қатъий мантиқий нормаларга суяна олмаслигини исботлаб беради.¹

Маданият дунёси ва табиат дунёси бизнингча икки тушунча. Бугунги кунгача бу икки йўналиш бир бири билан уйғунлашган эмас. Бу тўсиқни назарий ахборотли ёндашув натижасидагина енгиб ўтишимиз мумкин. Шу ерда таъкидлаш жоизки ахборот тушунчасининг ўзини ҳам баъзи олимлар биология билан боғлиқ равишда изоҳлайди.

Кастлернинг фикрича, ҳаётнинг пайдо бўлиши “ахборот вужудга келишининг натижасида руй беради”². Яъни ахборот назарияси органик эволюцияга ҳам, маданий эволюцияга ҳам информацион ривожланиш сифатида қарайди. Чунки ҳар қандай тирик система ахборотни қайта таҳлил қиладиган система ҳисобланади. Бу ҳар бир органик табиатга хос. Бошқа тарафдан, санъат, билим, исбот ва бошқа ахборотларни ўзида жамлаган ижтимоий гуруҳларни когнетив ва ахлоқий характерини белгилаб берадиган маданиятни ҳам, такомиллашган ахборот системаси сифатида қараш мумкин. Назарий ахборотли ёндашувга асосан, органик эволюциянинг асосида информацион ўзгариш ётади. Яъни алоҳида организмнинг ўзи эволюция қилмайди, балки унинг ДНКсидаги генетик ахборот ўзгаради. Айнан шу ўзгариш алоҳида организмда юзага чиқиши ҳам ва чиқмаслиги ҳам мумкин. Агар бу генетик ахборот нусхасини ташувчилар сони купайса, биологик эволюция давом этади, аксинча бўлса, бу нусха йўқ бўлиши мумкин.³

Бу жараён маданий эволюцияда анологик тарзда мавжуддир. “...эволюцион принцип универсал ҳисобланади. У космосга ҳам спиралли туманликларга ҳам, юлдузларга ҳам, ерга, ўсимликларга, юқори қобилиятларга эга ҳайвон ва инсонларга ҳам, шунингдек, у тил ва инсоннинг тарихий яшаш шаклларига, жамият ва маданиятга, дин ва фанга

¹ Кезин А.В. Эпистемология на корабле науки: натуралистический вззов или аргумент отчаяния. Вестник Московского университета, Серия 7 Философия “2 1998 С 63.

² Кастлер Возникновение биологической организации. М.2004. С.137. Бу ҳақда яна қаранг. Абдуллаева М.Н ва бошқалар Миллий ғоя ва фаннинг методологик муаммолари Т.2009 Б.71-91

³ Редько В.Г. Проблема происхождения интеллекта. Вопросы философии. . 2008. №12.

ҳам бирдай қўлланилиши мумкин”¹. Фарқ шундаки, маданий эволюция генетик тарзда эмас, балки ўрганиш ёки тақлид қилиш асосида руй беради. Ўзгариш, сақланиш ва янгилиниш биологик эволюцияга ҳам, маданий эволюцияга ҳам хос. Фақат инсонда бу ахборот тасодиф натижасида эмас, балки умр давомида онгсиз равишда тўпланиб боради.

Маданият деганда, биз инсон яратган объектларни тушунамизки, улар табиат яратган нарсалар ва жараёнлардан фарқлидир. Кийим-кечак, курол аслаҳа, идиш-товоқ, удумлар, тил, илмий назариялар ва бошқалар-маданият объектлари сифатида намоён бўлади. Яратиш хусусияти азалдан фақат инсонга хос хусусият сифатида талқин этилади.

Тўғри, жуда кўп ҳайвонлар баъзи тизимларни яратишга қодир, масалан, куш ини, қундузнинг ини ва бошқалар. Ҳаттоки баъзи хусусият ва билимлар ҳам баъзи жониворларда ногенетик тарзда тарқалади. Масалан, кушлар учиб кетар экан, яна шу йўналишда учиб келади. Баъзи кушлар бошқа кушлардан қўшиқларни ўрганади. Буларда ҳам ўзига яраша маданият бордек туюлади, аммо инсон маданияти онгли йўналган ҳатти ҳаракатлардан иборат бўлиб, наслий механизмлар асоси натижаси ҳисобланмайди. Онг фақат инсонлардагина мавжуд экан, фақат инсон маданий ижод қобилиятига эга.²

Ўзининг фаол таъсир доираси билан табиий танланиш маданий эволюцияда худди биологик эволюциядаги каби таъсирга эга. Агар инсонларда яшаш ва насл қолдириш учун янги ахборот пайдо бўлса, улар ундан фойдаланиб, янада кўпроқ насл қолдириши ва уларга ўз билимини қолдириш имкониятига эга бўладилар. Шу сабабли айнан табиий танланиш натижасида инсоният маданий ютуқларни қўлга киритган, бунга териб-термачилик ва овчиликдан деҳқончиликка ўтишни мисол қилишимиз мумкин.

¹ Фоллмер Г. Эволюционная теория познания. М.1998.

² Меркулов И.П. Эволюционная эпистемология. Т.1.М. СПб.2003. С.48

Лекин маданий эволюция давомида ахборотнинг тарқалиши биргина репродуктив, кўпайиш жараёнига боғлиқ эмас. Генетик ахборотдан фарқли равишда маданий ахборот фақат авлод эмас, балки ўқитиш ва тақлид натижасида уни ҳар қандай инсон эгаллаши мумкин. Қадимда айрим ахборотларга таъқиқ қўйилган бўлсада, агар у инсон фаолияти, унинг хавфсизлиги, бирор бир нарсани топиши билан боғлиқ бўлса унга эга бўлиш ҳолати барибир кучли бўлган.

Шуни айтиш керакки, маданий эволюция биологик эволюциядаги каби таҳликадан иборат бўлмаганлиги учун ҳам ундан сермахсулроқдир.¹ Биологик эволюцияда зарарли генетик ахборотдан воз кечиш бирор бир тур ёки турнинг бутунлай йўқ бўлишига олиб келади. Бундан ташқари янги селекция ноёб генетик белгилар, жуда фойдали бўлган бошқа белгиларнинг йўқ бўлишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Инсонда бу ҳолат бошқача тарзда юз беради. У ақлини ишлатган ҳолда ўзини ҳалок бўлишдан асраб қолиши мумкин. У ихтиро қилишга ва эски ғоялар ўрнига янги ғояларни қабул қилишга қодир. Бунда ундаги апробациядан ўтган, фойдали бўлган ахборотлар сақланиб қолади. Шунинг учун маданий эволюция тезроқ ва махсуллироқ тарзда давом этади, у кўпроқ кумулятив характерга эга бўлиб, у ўсишда давом этади.

Мумтоз фалсафа ва эпистемология инсоннинг барча ҳатти ҳаракати шунингдек, когнетив ҳаракатлари ҳам генетик омилларга эмас, балки маданиятга боғлиқ деб кўрсатилади. Эволюцион эпистемология эса, бу ҳолат биологик эволюция натижасида инсоннинг физиологик ва ҳатти ҳаракатли табиати маданий эволюциянинг бошланишига туртки бўлиб, инсонларни яшашга мослашишини оширган, кейинчалик бу маданий эволюция генетик бириктириб қўйилган, дея талқин этади.

¹ Меркулов И.П. Эволюционная эпистемология. Т.1.М. СПб.2003. С.164-166

Лекин инсонлар нафақат маданий эволюцияни, балки маданиятнинг айрим шакллари, масалан оила, тил, рақс кабиларни ҳам ривожлантирди.

Маданиятнинг бир йўналиши сифатида илмий билишни кўпгина олимлар таҳлил этганини юқорида қайд этдик. Эволюцион эпистемологиянинг илмий билимларга қўлланилишида Поппернинг фикрлари ўзига хосдир.

Поппер ўзининг “Эволюцион эпистемология”¹ асарида икки тезисни илгари суради. “Биринчи тезис. Инсоннинг ўзига хос бўлган билиши, илмий билишни ишлаб чиқариш хусусияти табиий танланиш натижасидир. Бу ўзига хос инсон тилининг эволюцияси билан боғлиқ.”

“Иккинчи тезис. Илмий билиш эволюцияси асосан яхши ва янада яхши назарияларни қурилиши йўналишидаги эволюция билан боғлиқ. Бу дарвинча жараён. Назариялар табиий танланиш натижасида янада яхши мустаҳкамланади. Улар бизга мавжудлик ҳақидаги янада яхши ахборотларни беради. (Улар ҳақиқатга янада яқин бўлиб бормоқда.) Барча организмлар муаммони ечувчилардир: муаммолар ҳаёт пайдо бўлиши билан пайдо бўлган”².

Гап шундаки, Дарвин ҳаётда фақат кучли организмлар яшаб қолиши ғоясини илгари суриши бизга маълум³. Кучли организмлар деганда, яшаш учун кураша оладиган мослаша оладиган, мослашиш натижасида ўзгара оладиган организмлар тушунилади. Поппер биринчисидан кўра, кўпроқ иккинчисини чуқур таҳлил этади. У назарияларни пайдо бўлиши ва ривожланишида йўл қўйиладиган хатоларни инсонлар ва ҳайвонлар ривожини йўлидаги хатоларга ўхшатади. Лекин у ҳайвонлар табиий танланиш натижасида нобуд бўлади, инсон эса йўл қидиради дея

¹ Поппер К. Эволюционная эпистемология. (Эволюцион эпистемология и логика социальных наук. Поппер и его критики.). 2000

² Popper Karl Evolutionary Epistemology // Evolutionary Theory: Paths into the Future / Ed. by J. W. Pollard. John Wiley & Sons. Chichester and New York, 1984, ch. 10, pp. 239-255.

³ Дарвин Ч. Происхождение видов путем естественного отбора или сохранение благоприятных рас в борьбе за жизнь. Санкт Петербург 1991.

такидлайди. Бундан унинг учинчи тезиси келиб чиқади. Учинчи тезис, Эйнштейндек олимнинг амёбадан фарқи унинг инсонга хос бўлган тилга эгалигидир. Поппернинг таъкидлашича, уч тезис унинг эволюцион эпистемологиясининг асосини ташкил этади.

Поппер тилга алоҳида урғу беради. Тилнинг вужудга келишини таҳлил этар экан, Поппер, устози Карл Бюлер таълимотига асосланади ва унинг фикрларини қабул қилади. Бюлер инсонлардаги тил тушунтирувчи характерга эга, дейди. Поппер бу ҳатти ҳаракат аввал бошда болаларда пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Болалар бир бирига ва ўз оналарига бирор нарсани тушунтириш учун ўзига хос тилни кашф этишган. Бу тилни авваламбор оналар ўрганган, кейинроқ эркаклар ўрганишган дейди. Ҳикояларни айтиб беришдан, ёки бирор нарсани тушунтиришдан тушунтирувчи ҳикоя ёки ривоятлар, ундан кейин тилда тушунтириш назарияси яратилган. Бу тушунтирувчи ҳикоялар биологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлгани сабабли аста секин генетик сақланиб борган бўлиши мумкин. Ов қилишда тилнинг мавжуд бўлиши юқори натижаларга олиб келгани учун, тил ниҳоятда тез ривожланган дея тушунтириш мумкин, дейди Поппер.

Поппернинг бу фикрларини тилшунос олимлар ҳам таъкидлайдилар. Масалан, немис тилшунос олими Август Шлейхер тилнинг эволюцион келиб чиқиши ҳақида “Дарвин назарияси ва тил ҳақидаги фан”¹ асарида тадқиқ этади. Шлейхернинг фикрича, “Дарвиннинг ҳайвонларга ва ўсимликларга амал қилаётган қонунлари тилга ҳам бирдай тегишли.”² У тиллар ёки тилга эга организмлар табиий танланиш натижасида вужудга келган деб ҳисоблайди. Инсон унинг пайдо бўлишида рол уйнамайди. Шунинг учун у тилшуносликни табиий фанлар қаторига қўшади. Бунда тилнинг умумий қонуниятларни ўрганувчи филология фарқли равишда тарихий фанлар қаторига киради. Шлейхер учун тил табиий организм.

¹ Шлейхер А. Теория Дарвина в применении к науке о языке СПб. 1964.

² Звигенцев В. А. История языкознания XIX - XX веков в очерках и изречениях. Ч. 1. М. 1960 98 бет

“Тиллар товуш материясидан иборат табиий организмлардир. Уларнинг энг юқори формалари, худди табиатдаги сингари турларга, оилаларга бўлинибгина қолмасдан, уларнинг ўсиши ҳам маълум қонуниятларга бўйсунди.”¹

Лекин шу билан бирга Поппер, маданий эволюцияни яъни инсонлар қўли билан яратилган маданиятни учинчи дунёга киритади. Яъни Поппер, уч оламни объектив оламни, субъектив оламни шу билан бирга субъектив олам яратган оламни ҳам алоҳидага ажратади ва бу оламларнинг ҳар бири ўз-ўзича яшаш учун курашини таъкидлайди.² Поппер ўз асарида икки тезисни келтиради. Биринчи тезисда анъанавий эпистемологияда билим ва тафаккурни субъектив маънода ишлатишини таъкидлайди. Менимча, дейди у бу нотўғри, чунки улар илмий билимни текшираяпмиз деб, илмий билимга алоқадор бўлмаган билимни текширадилар. Чунки илмий билим “мен биламан” дегани эмас, “Мен биламан” дегани икинчи оламга, илмий билимлар эса учинчи оламга тегишлидир.

Поппернинг иккинчи тезисига асосан эпистемология илмий муаммолар, илмий ҳолатлар, илмий фаразлар, илмий баҳслар, танқидий фикрлар билан шуғулланиши, шунингдек, илмий журналлар ва китоблар, экспериментлар ва уларнинг илмий ривожига аҳамиятини таҳлил этиши лозим. Унингча, эпистемология учун учинчи оламни, объектив билимларни, таҳлил этиш асосий ролни уйнайди. Бундан ташқари олимлар бу билимларни тўхтовсиз, ўз субъектив билимларини юзага чиқарган ҳолда бойитиб бориши лозим.

Поппер бунга қўшимча равишда яна уч тезисни ишлаб чиқади. Бунда у учинчи олам инсоннинг табиий маҳсули эканлигини, учинчи олам автономлигини, ва учинчи олам объектив ва субъектив оламларнинг қайта алоқа механизмига асосланганлиги сабабли доимо ўсишда ва у биологик ривожланиш билан анологик тарзда мавжуддир, дейди.³

¹Ўша асар, С. 95

² Поппер Объективное знание Эволюционный подход. Глава 3 .1979

³ Поппер К. Ўша асар, 94

Албатта биргина тил маданий эволюцияга бевосита алоқадор эмас, маданиятнинг бошқа объектлари ҳам борки, уларда инсоннинг тафаккури эволюцияси акс этиб туради.

К.Лоренц ва Фоллмернинг фикрича, бизнинг билимларимиз бу “абсолют ҳақиқат” эмас, балки “Ишчи гипотезалар” бўлиб янги фактлар юзага келганда, биз уларни олиб ташлашимиз, ўзгартиришимиз мумкин. Реаллик билан бизнинг тасавурларимиз мослиги ва номослиги юзага келганда, биз яна изланишларни давом эттираверамиз.

Табиий танланиш натижасида инсон доимо яшаш учун курашади ва ҳар қандай янгиликни қабул қилиб олади. Бу биологик эволюция. Маданий эволюцияда ҳам инсон ўзининг яшаши учун қулай имкониятларни ахборотларни қидиради ва авлодларга мерос қилиб қолдиради.

Бунда ахборотнинг оддийлиги, тез ўзлашувчанлиги, эса қолиши эътиборга лойиқлиги катта роль уйнайди. Яъни ахборот юқоридаги хусусиятларга эга бўлса, унинг эволюцияси давом этади. Албатта маданий эволюцияга генетик хусусиятлар таъсир кўрсатмай қолмайди. Масалан инсоннинг бирор бир нарсани ўргана олиши унинг генетикасида бириктирилган ахборотларга боғлиқ. Мумтоз фалсафада эса генетик ахборот деярли рол уйнамайди.

Демак, биологик эволюция инсоннинг физиологик ва ахлоқий характериини шакллантириб инсонларда яшашга мослаштирадиган маданий эволюцияга туртки ясади ва бу ҳам аста секин генетик сақланиб борди.¹ Бугунги кунда бу соҳадаги изланишлар социобиология фанида изчил текшириб борилмоқда. Бу эса ижтимоий ва маданий масалаларга янгича нуқтаи назар билан қарашни вужудга келтирмоқда.

¹ Piaget J/ The Principles of Genetic Epistemology. 1972

III БОБГА ДОИР ХУЛОСА

Кўриниб турибдики, олимлар биринчи ўринда илмий билимларни чегаралаш керак, дея демаркация тамойилини илгари суришади. Аммо улар бунда ҳар хил йўлни танлайдилар. Верификация тамойилини илгари сурган Вена тўғараги илмийликни тажрибада деб белгилайди ва бу учун тил концепцияларидан унумли фойдаланади. Фальсификацияни илгари сурган Поппер уни тажрибани инкор этилиши билан боғлайди ва билимлардан субъектни ташқарига чиқариб ташлайди. Кун бу чегарани ўзига хослик билан чизади. Унинг парадигмасининг ичига кириб кетиб бўлмайди, шунингдек, ташқарига ҳам чиқиш мумкин эмас. Постпозитивизм фалсафасида Поппер ўз асарида икки тезисни келтиради. Биринчи тезисда анъанавий эпистемологияда билим ва тафаккурни субъектив маънода ишлатишини таъкидлайди. Менимча, дейди у бу нотўғри, чунки улар илмий билимни текшираяпмиз деб, илмий билимга алоқадор бўлмаган билимни текширадилар. Чунки илмий билим “мен биламан” дегани эмас, “Мен биламан” дегани икинчи оламга, илмий билимлар эса учинчи оламга тегишлидир.

Поппернинг иккинчи тезисига асосан эпистемология илмий муаммолар, илмий ҳолатлар, илмий фаразлар, илмий баҳслар, танқидий фикрлар билан шуғулланиши, шунингдек, илмий журналлар ва китоблар, экспериментлар ва уларнинг илмий ривожига аҳамиятини таҳлил этиши лозим. Унингча, эпистемология учун учинчи оламини, объектив билимларни, таҳлил этиш асосий ролни уйнайди. Бундан ташқари олимлар бу билимларни тўхтовсиз, ўз субъектив билимларини юзага чиқарган ҳолда бойитиб бориши лозим.

Поппер бунга қўшимча равишда яна уч тезисни ишлаб чиқади. Бунда у учинчи олам инсоннинг табиий маҳсули эканлигини, учинчи олам автономлигини, ва учинчи олам объектив ва субъектив оламларнинг қайта

алоқа механизмига асосланганлиги сабабли доимо ўсишда ва у биологик ривожланиш билан анологик тарзда мавжуддир, дейди.¹

Албатта биргина тил маданий эволюцияга бевосита алоқадор эмас, маданиятнинг бошқа объектлари ҳам борки, уларда инсоннинг тафаккури эволюцияси акс этиб туради.

¹ Поппер К. Ўша асар, Б.94

ХУЛОСА

Позитивизм йўналишига бўлиб қолмасдан XIX-XX аср да ғарбда кенг тарқалган дунёқараш тафаккур шакли бўлиб ҳисобланади. Позитивизмнинг биринчи ва асосий кўриниши ҳисобланган мантиқий позитивизм ёки мантиқий эмпиризм (М.Шлик, Р.Крнп. Г.Райхенбах) мантиқ ва математика фанлари асосларининг априор аналитик (тажрибага аоқасиз) табиатига эътибор қаратмоқда. Мантиқий позитивизм вакиллариинг фикрича, билиш назарияси билан дунёқараш жиҳатлари чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли фалсафанинг баҳс мавзуи бўла олмайди. Фалсафа ўз предметига эга эмас. Унинг фаолияти фанга кириб олган муҳокама мазмунидан йироқ бўлган тилдан ноўрин фойдаланган, мантиқ қонун қоидаларига амал қилмаган, муайян мафкура эҳтиёжлари билан боғланган сохта муаммолардан фанни тозалаш ҳамда идеал мантиқий моделлар тизимини яратишдан иборат.

Ҳозирги вақтда позитивизмнинг лингвистик таҳлил фалсафаси Буюк Британия ва АҚШда фалсафий ҳаётнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу йўналишнинг шаклланишига Л.Витгенштейн, Ж.Уинздом, Ж.Райл, Ж.Остин Ж.Мур в бошқалар асос солганлар. Уларнинг фикрича тил, бу ижтимоий институт ва “Ҳаёт шакл шамойили” дир.

Улар метафизик, яъни фалсафий таҳлилдан қутулган ҳолдагина ҳақиқий лингвистик таҳлилни амалга ошириш мумкин, деб ишонадилар. Бу ўз навбатида ҳар қандай фалсафий дастур ва таҳлил усулидан воз кечишга олиб келади.

Позитивизм лотинча ***positivus*** сўзидан олинган бўлиб, фалсафий тафаккурнинг Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган бир кўриниши ҳисобланади, унинг диққат марказида фалсафа ва фан муносабати масаласи туради. XIX асрнинг 30-40 йилларида Францияда Огюст Конт томонидан асос солингандир.

- Позитивизм ўз вазифасини ноилмий билимларга танқидий ёндашув сифатида тушунади ва ўз танқидини асосан анъанавий метафизикага қарши қаратган. Контнинг фикрича, фалсафа ва фаннинг ўзаро келишмаслиги илмийлик руҳини метафизика нуқтаи назардан ўрганиш натижа бермаганидан далолат беради. Шунинг учун метафизикадан воз кечиш керак. Фан эндиликда ундан устун турган фалсафага мухтож эмас. Шунинг учун фан фақат ўзига таяниши керак.

- Позитивизм уч босқичда ривожланади; мумтоз позитивизм, эмпирокритицизм (тажрибавий танқид), неопозитивизм ва постпозитивизм.

- Позитивизмнинг иккинчи босқичи Австриялик физик Эрнст Мах номи билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, бу босқич эмпириокритицизм (*эмпирия* тажриба, *критицизм* танқид деган сўзлардан олинган), яъни эмпириотанқидийлик маъносини беради. Бу фалсафий концепциянинг ишлаб чиққан йирик позитивистлар Эрнст Мах, швейцариялик файласуф Рихард Авенариус ва буюк француз математиги Жюль Анри Пуанкаредир.

- Позитивизмнинг учинчи босқичида бир неча фалсафий мактаблар шаклланди, бу йўналиш умумий ном билан неопозитивизм деб аталди. Бу йўналишга мантикий позитивизм, лингвистик фалсафа, танқидий рационализм каби йўналишлар шаклланди. Айнан шу йўналиш тил масалаларига алоҳида эътибор қаратди. XX асрнинг иккинчи ярмида эса постпозитивизм йўналиши пайдо бўлди.

- Постпозитивизм неопозитивизмнинг давоми сифатида шакллансада, унинг баъзи ғояларига қарши чиқди. Бу эмпиризм ва ҳаминдуктивизм ғоялари билан боғлиқ эди. Постпозитивизмнинг энг йирик вакиллари К.Поппер, Т.Кун, И.Лакатос ва Фейерабенд ҳисобланадилар.

- Неопозитивизм ёки мантикий позитивизм тилшунослик масалаларига янгича усул ва услубларни олиб кирди. Улар верификация тамойили ёрдамида соф мантикий сўзларни ишлатишни таклиф қилдилар. Ва бу борада жуда кўп изланишларни амалга оширдилар. Улар тилнинг

мантиқ доирасидан чиқмаган ҳолда амал қилишини таклиф этдилар. Бу кейинчалик тилшунослик асосларни ва таҳлилини бойитишга хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 410.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 382.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–Б.349.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. Т.3.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–Б. 367.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт– пировард мақсадимиз. Т.8. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000.–Б. 526.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 534.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.І.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–Б. 364.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби. Т.5. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 384.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир. 2010.

Асосий адабиётлар:

1. Абрамова Т.Н. Являются ли несловесные акты мышлением ? // Вопросы философии. 2001. № 6. - С.68 - 82.
2. Айер А.Д. Язык, истина и логика // Аналитическая философия. Избранные тексты. М., Изд-во Моск. ун-та. 1993. С.50-66.
3. Аналитическая философия в XX в. (Материалы «круглого стола») // Вопросы философии. 1988. №8. С.48 - 94.
4. Аналитическая философия. Избранные тексты. М., Изд-во Моск. ун-та. 1993.- 181 с.
5. Аналитическая философия: становление и развитие. М., 1998. 528с
6. Апель К.-О. Трансцендентально-герменевтическое понятие языка // Вопросы философии. 1997: № 1. С.76 - 92.
10. Балмаева С.Д. Аналитическая «философия сознания»: взгляд сквозь призму интеллектуальной биографии Герберта Фейгла // Историко-философский ежегодник '90. М., 1991. С. 123 -142.
- 11.Бернстайн Р.Дж. Возрождение прагматизма // Вопросы философии. 2000. №5.-С.Ю7- 120.
13. Бирюков Б.В. Теория смысла Готлоба Фреге // Применения логики в науке и технике. М., 1961. С.502-555.
14. Блур Д. Витгенштейн как консервативный мыслитель // Логос. 2002 №5> 6.С.47-65.
15. И. Боброва Л.А. Основные черты эволюции аналитической философии в 80-е годы // Аналитическая философия в XX в. (Материалы «круглого стола»). ^ Вопросы философии. 1988. № 8. С.67-69.
16. Боброва Л.А. Поиск путей к истине: опыт аналитической философии. М., 1995.-64 с.
17. Боброва Л.А. Фреге или Витгенштейн? О путях развития аналитической философии //Философские идеи Людвиг Витгенштейна. М., 1996. -С.94-108.
20. Вайсман Ф. Витгенштейн и Венский кружок // Аналитическая ® философия: становление и развитие. М., 1998 С.44-68.

21. Виноградов Е.Г. Виллард Куайн: портрет аналитического философа XX века // Вопросы философии. 2002. №3- С. 105-117.
22. Витгенштейн Л. «Голубая книга» и «Коричневая книга» // Современная аналитическая философия. Вып.3. М., ИНИОН.1991. С. 179-190.
23. Витгенштейн Л. Заметки о «Золотой ветви» Дж.Фрэзера // Историко-философский ежегодник '89. М., 1989. -С.251-259.
24. Витгенштейн Л. Философские работы. Часть 1. М., 1994. 612 с.
25. Витгенштейн Л. Философские работы. Часть II. М., 1994. 207 с.
26. Грязнов А.Ф. Аналитическая философия: проблемы и дискуссии последних лет // Вопросы философии. 1997. №3. С.45-56.
27. Грязнов А.Ф. Витгенштейнизм и марксизм о понятии практики // Современная аналитическая философия. Вып.3. М., ИНИОН.1991. С.121-137.
28. Грязнов А.Ф. Джон Серл и его анализ субъективности // Логос. 2001. № 4.-С.19-21.
29. Грязнов А.Ф. Как возможна правилосообразная деятельность? // Философские идеи Людвиг Витгенштейна. М., 1996. С. 25-36.
30. Грязнов А.Ф. «Скептический парадокс» и пути его преодоления // Вопросы философии. 1989. № 12.-С. 140-150.
31. Грязнов А.Ф. Эволюция философских взглядов Л.Витгенштейна.М.,1985. 172 с.
32. Грязнов А.Ф. Этическая проблематика в трудах Л. Витгенштейна // Историко-философский ежегодник. М., 1989. С.235-238.
33. Грязнов А.Ф. Язык и деятельность. Критический анализ витгенштейнизма. М.,1991.- 141 с.
34. Гудмен Н. Метафора работа по совместительству // Теория метафоры. М., 1990.-С. 194-200.

35. Дегутис А. Аналитическая философия и традиции Канта. Аналитическая философия в XX в. (Материалы «круглого стола») // Вопросы философии. 1988. № 8. -С.74-76.
36. Дегутис А. Язык, мышление и действительность. Вильнюс, 1984. 184 с.
37. Деннет Д. Онтологическая проблема сознания // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С.360 - 375.
38. Дрейфус Х., Дрейфус С. Создание сознания уя моделирование мозга // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. -С.401-432.
39. Дэвидсон Д. Материальное сознание //Аналитическая философия. Избранные тексты. М., Изд-во Моск. ун-та. 1993. С.131-144.
40. Дэвидсон Д. Метод истины в метафизике // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С.343- 359.
41. Золкин А.Л. Язык и культура в англо-американской аналитической философии XX в. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. 505 с.
42. Ильин И.П. Постмодернизм от истоков до конца столетия: эволюция научного мифа. М., 1998. 255 с.
43. Карнап Р. Преодоление метафизики логическим анализом языка // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С.69 -89.
44. Клевакина Е.Б. Истина, значение и речевая деятельность // Концептуализация и смысл. Новосибирск, 1990. С. 139 - 147.
45. Козлова М.С. Витгенштейн: новый образ философии // Вопросы философии. 2001. №7. С.25-32.
46. Куайн У. Вещи и их место в теориях // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С.322-342.
47. Куайн У. Слово и объект (гл. I и V) // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVIII. М.,1986. С.24 - 98.

48. Лакатос И. Бесконечный регресс и обоснование математики // Современная философия науки: знание, рациональность, ценности в трудах мыслителей Запада. М., 1996. С. 106-135.
49. Лепор Е. В каком отношении неудовлетворительна теоретико-модельная семантика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVIII. М., 1986. С.173 -193.
50. Микешина Л.А. Витгенштейн: проблема веры и достоверности в познании // Философские идеи Людвиг Витгенштейна. М., 1996. С.54-66.
51. Михайлов И.Ф. Витгенштейн и проблема мистического опыта // Философские идеи Людвиг Витгенштейна. М., 1996. С. 116-121.
52. Назарчук А.В. Язык в трансцендентальной прагматике К.-О. Апеля // Вопросы философии. 1997. №1. С.69 - 75.
53. Нири К. Философская мысль в Австро-Венгрии. М., 1987. 192 с.
54. Патнэм Х. Введение к книге «Реализм и разум» // Современная философия науки: Знание рациональность, ценности в трудах мыслителей Запада. М., 1996. С.209-225.
55. Патнэм Х. Почему существуют философы? // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С.495- 509.
56. Планк М. Позитивизм и реальный внешний мир // Вопросы философии. 1998. №3.-С.120- 133.
57. Полозова И.В. Метафора в философском и научном познании. М., 2003. -319с.
58. Портнов А.Н. Язык и сознание: основные парадигмы исследования проблемы в философии XIX XX вв. Иваново, Ивановский гос. ун-т. 1994. - 370 с.
59. Прист С. Теории сознания. М., 2000. 287с.
60. Рассел Б. Логический атомизм // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С. 17-38.

61. Решер Н. Взлет и падение аналитической философии // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С.454-465.
62. Сааринен Э. О метатеории и методологии семантики // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVIII. М., 1986. С. 121 - 138.
63. Сокулер З.А. Витгенштейн о природе философского знания //
64. Сокулер З.А. Людвиг Витгенштейн и его место в философии XX в. Долгопрудный, 1994- 170 с.
65. Сокулер З.А. Субъект, сознание, «другие сознания»: Некоторые интерпретации философии Л. Витгенштейна // Современная аналитическая философия. Вып.3. М., ИНИОН. 1991- С.78 120.
66. Страуд Б. Аналитическая философия и метафизика // Аналитическая философия. Избранные тексты. М., Изд-во Моск. ун-та. 1993. С. 159-174.
67. Стросон П. Значение и истина // Аналитическая философия: Становление и развитие (антология). М., 1998. С.213-231.
68. Фреге Г. Мысль: логическое исследование // Философия. Логика.1. Язык. М., 1987. С. 18-47.
69. Шлик М. О фундаменте познания // Аналитическая философия. Избранные тексты М.: Изд-во Моск. ун-та. 1993. С.33-50.
70. Шлик М. Поворот в философии // Аналитическая философия. Избранные тексты М.: Изд-во Моск. ун-та. 1993. С.28-33.

